СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXVIII СЪЕЗДИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

КИШЛОК ҲАҚИҚАТИ

1990 ЙИЛ 7 ИЮЛЬ, ШАНБА
№ 154 (4.947).
БАҲОСИ 3 ТИЙИН.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади



Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVIII съезди тўғрисида АХБОРОТ

1990 йил 6 июль куни Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVIII съезди ўз ишини давом эттирди.

Эрталабки ялпи мажлис Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Грузия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Г. Г. Гумбаридзе раислигида ўтди.

Съездда муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан музокаралар давом эттирилди. Мажлис қатнашчилари ҳузурида Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби П. К. Лучинский, Смоленск вилоятидан келган ёзувчи Е. В. Максимов, Донецк вилоятидаги «Азовмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг электр пайвандчиси В. А. Гайворонский, Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби А. П. Рубикс, Абакан давлат педагогика институти кафедрасининг мудири (Хакассия автоном вилояти) М. Т. Кабелькова, ёзувчи, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси (Қалмоқ АССР) Д. Н. Кугультинов, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Қирғизистон ССР Олий Советининг Раиси А. М. Масалиев, Олтой ўлкасидаги «Боровой» совхозининг ижарачи бузоқ боқувчиси Л. Д. Заковряшина, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Тожикистон ССР Олий Советининг Раиси Қ. Маҳкамов, РСФСР театр арбоблари уюшмаси бошқарувининг раиси, Евг. Вахтангов номли давлат академик театрининг бадиий раҳбари (Москва шаҳри) М. А. Ульянов, Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби В. М. Мовсисян, РСФСР Олий Советининг Раиси Б. Н. Ельцин, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Туркманистон ССР Олий Советининг Раиси С. А. Ниёзов, Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги номли Ғарбий Сибирь металлургия комбинатининг бош директори (Кемерово вилояти) Б. А. Кустов, ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи котиби В. М. Зюкин, КПСС Иркутск вилоят комитетининг биринчи котиби, халқ депутатлари вилоят Советининг раиси В. И. Потапов, КПССда марксистик платформа вакили, Ломоносов номли Москва давлат университети иқтисод факультетининг доценти (Москва шаҳри) А. В. Бузгалин сўзга чиқдилар.

МОСКВА. Кремлнинг Съездлар саройи. Суратларда: 1. Съезднинг мажлислар залида. 2. Ўзбекистонлик делегатлардан Андижон вилояти Ленинск шаҳридаги пахта тозалаш заводининг бригада бошлиғи Ҳабибулла Убайдуллаев (чапда) ва Бухоро вилояти Пешку районидаги Фрунзе номли колхоз механизатори Жўрамурод Худойқуловлар мажлислар орасидаги танаффус пайтида ўзаро суҳбатда.

УзТАГ мухбири Ф. Қурбонбоев олган суратлар.

ПАРТИЯ, МАМЛАКАТ, ҚАЙТА ҚУРИШ ТАҚДИРИ ТАШВИШИДА

Агар мақсад партияни вайрон қилиш бўлса, партия ташкилотларининг корхоналардан кетиши бунинг энг қисқа йўлидир, деб ҳисоблайди 4 июль куни КПСС XXVIII съездининг эрталабки мажлисида сўзга чиққан Новолипецк металлургия комбинати парткомининг котиби **А. И. Тепленичев**. Партияни меҳнат жамоаларидан зинҳор чиқариб юбориб бўлмайди, деди қатъий қилиб у. Партия ўзининг ижтимоий негизи — ишчилар ва меҳнаткаш зиёлилар билан алоқани узмаслиги керак.

Ўзининг хизмат мавқеига ва вазиятни билишига кўра нотиқ ўз комбинати коммунистларининг фаолиятига кўпроқ эътиборни қаратиб, корхонанинг оғир ижтимоий аҳволи ҳақида ҳам гапирди. Бу муаммолар бошқа кўпгина жамоаларга, парткомларга ва бошланғич ташкилотларга ҳам тааллуқлидир, деб эслатди у.

Бошқа ҳамма ишлардан ташқари ҳозир меҳнат жамоаларига «тақсимлаш муносабатлари» ҳам кириб келди: турли истеъмол моллари тақсимланмоқда, деди у. Бу соҳада ҳам партия «ижтимоий адолатнинг ҳақиқий кафили» бўлиб майдонга чиқа олади, деб ҳисоблайди нотиқ. Шу тариқа партком котиби, эҳтимол, касаба уюшмаларига ва бошқа жамоат ташкилотларига бирмунча ишончсизлик билдиргандек бўлди. У мавзуни давом эттириб, касаба уюшмалари билан янги ўзаро муносабатларга асос солиш кераклигини, ҳеч кимнинг ўрнини босмасликни, бироқ партия ишида мамлакатнинг иқтисодий фаровонлиги манфаатларини эътибордан четда қолдирмасликни таъкидлаб ўтди.

Делегат умуман мамлакатдаги вазият ҳақида ҳам фикр билдириб, масалан, Олий Советнинг неча ҳафталарга чўзиладиган мажлисларида кўпдан-кўп қонунлар яратиляпти-ю, аммо уларни бажаришга ҳеч ким шошмаяпти, деб ҳисоблайди. Жавосиз қолаётган жиноятчилик кучаймоқда, кўпгина минтақаларда эҳтиросларнинг кучаймоқда, бироқ ишларни яхшилаш учун қатъий чоралар кўрилмаяпти.

Партия ходими бошланғич ташкилотлар жамоаларидаги вазиятни барқарорлаштириш, иш ташлашларга йўл қўймаслик учун ҳамма ишни қилаётганликларига, бу эса уларнинг хизмати эканига алоҳида эътиборни қаратди.

Сўнгра у баъзи оммавий ахборот воситалари — «Известия», «Комсомольская правда» газеталари, «Огонёк» журнали ҳақида кескин фикр билдирди. Унинг назарида, бу нашрлар воқелигимизни қоралаш билан шуғулланмоқдалар. РСФСР Компартиясининг яқинда бўлиб ўтган таъсис съездига ва шу Компартиянинг раҳбариятига ҳужумлар қилмоқдалар. Одамлар оч ва юпун юрсалар ҳам, аммо митинг-бозлик қилаверишлари ва иш ташлашлари баъзи кимсаларга кўпроқ ёқадиганга ўхшайди, деди у.

Делегатнинг фикрича, аввалги таркибдаги партия Марказий Комитети ўз вазифаларини уддалай олмади.

Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари **Н. И. Шляга** армиядаги партиявий-сиёсий ишлар ҳақида гапирди. Жумладан, у кейинги вақтларда баъзи кишилар Қуролли Кучларни мафкурадан ва сиёсатдан ажратишга даъват қилаётганликлари армия ва флот коммунистларини хавотирликка солаётганини таъкидлаб ўтди. Делегатнинг фикрича, бу ишларнинг ҳаммаси ўз сиёсатини ўтказиш учун жой тозалаб олиш мақсадида қилинмоқда.

Армия сиёсатдан ажралиши мумкин эмас, деб давом этди у. Аввалгидек Қуролли Кучлардаги партиявий-сиёсий иш армия ҳамиша давлатнинг қуроли, сиёсатнинг қуроли бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади, деган марксча қоидага таяниши керак.

Ҳозир армияда шундай янги вазият вужудга келдики, бу вазият партиявий-сиёсий ишни тубдан қайта қуришни талаб қилади. Нотиқ янги сиёсий органларнинг асосий вазифаларини умумий тарзда тасвирлаб берди: энди улар Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш доирасида давлат-конституцион органларга айлантирилади ҳамда ҳарбий хизматчиларни сиёсий жиҳатдан тарбиялайдиган, мафкуравий иш билан шуғулланадиган, ҳарбий матбуотга, социология ва психология хизматларига раҳбарлик қиладиган бўлади. Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш соҳасида жуда кўп иш амалга оширилиши керак. Бу ишларнинг ҳаммасини маҳаллий Совет ва партия органлари билан чамбарчас алоқада ҳал этиш лозим. Уй-жой ва бошқа масалалардаги ўткир муаммоларни умумий куч-ғайрат билангина ҳал қилса бўлади.

Нотиқ матбуотда Қуролли Кучлар ҳадеб танқид қилинаётганига эътиборни қаратиб, кўп ҳолларда бу танқид асоссиз ва ўринсиз эканини, халқнинг кўз ўнгида армиянинг обрў-эътиборини тўкаётганини таъкидлади. У мамлакат мудофааси муаммоларига тўхталиб, Сиёсий бюро, КПСС Марказий Комитети бу масала юзасидан ҳарбийлар билан тез-тез маслаҳатлашиб туришлари кераклигини уқтириб ўтди.

Генералнинг нутқидан кейин эрталабки мажлис тугади. Бироқ қайта қуришнинг энг ўткир муаммолари хусусидаги, бу ишда партиянинг ўрни ва мавқеи ҳақидаги кенг ва баъзан қизғин тус олган фикрлашувлар мажлис залидагина эмас, балки танаффус вақтида залнинг йўлагида ҳам, Съездлар саройининг иш хоналарида ҳам давом этди. Съезднинг таҳрир комиссияси амалий суҳбатлашиб олиш учун айни чоршанба кунидаги «катта тушлик танаффус» вақтини танлаб олган эди. Партия анжуманининг якунловчи ҳужжатларини тайёрлаш юзасидан кеча тузилган комиссиялар ишга киришди.

Кечки мажлисда раислик қилувчи **И. А. Карпов**нинг аввало «мажлисни олиб бориш тартиби юзасидан» ўз фикрини айтмоқчи бўлганларнинг ҳар бирига навбати билан сўз бериб, залда ўрнатилган ўн учта микрофон бўйлаб «ўтишига» тўғри келди. «Микрофон жазаваси» тугаганидан кейин музокаралар давом эттирилди.

Партиямиз съезди умуман партия ва мамлакат тушиб қолган тангликдан чиқиш йўлларини қийинчилик билан, зўр бериб излаш даврида ўтмоқда, деди КПСС Белгород вилоят комитетининг биринчи котиби **А. Ф. Пономарев**. Ғоят кескин ижтимоий вазиятни оқсоқа олмаслик мумкин эмас. Ҳозир пештахталар бўшаб қолган, тақчиллик авж олган, нарх-наво тез кўтарилаётган пайтда одамларнинг иқтисодий силжишга ишонишлари қийин. Чуқур танглик, муқаррар фалокат билан одамларни кўрқитиш, Совет давлатининг бутун тарихини йўққа чиқариш, партияни қоралаш ўзига хос одат бўлиб қолди.

Нотиқ қишлоқдаги жуда мураккаб вазиятга тўхталиб, делегатларнинг эътиборини озиқ-овқат муаммолари масалалари съезднинг дастурий баёноти лойиҳасида, бошқа сиёсий тузилмаларнинг программаларида тегишлича акс этмаганлигига қаратди. Унинг гапларига қараганда, сўнгги вақтда колхозлар ва совхозларни моддий-техникавий жиҳатдан таъминлаш кескин даражада ёмонлашди: техника, ўғит, материалларнинг нархлари жуда қимматлашиб кетмоқда.

Аграр сиёсат масалаларида партия халқнинг ўнлаб йиллар давомида орттирган жонли тажрибасига таянмоғи лозим. Ҳозир озиқ-овқат муаммосини ҳал қилишнинг бош йўлини — жамоат ишлаб чиқаришини мустаҳкамлашни, унинг ихтисослашиши ва марказлашишини чуқурлаштиришни, қайта ишлаш ва сақлаш базаларини барпо этишни, қишлоқни ижтимоий жиҳатдан ўзгартиришни ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ қўллаб-қувватлаш лозим.

Янги Устав лойиҳасида, деди вилоят комитетининг котиби, энг муҳим сиёсий қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул этишда ҳар бир коммунистнинг иштирок этиш ҳуқуқини расмий жиҳатдан эмас, балки амалда таъминлайдиган, партиядаги коллектив органларни чинакам самарадор қиладиган партия демократиясининг янги воситаларини асослаб равишда очиб бериш лозим. Сайлаб қўйиладиган партия органи аъзосининг мақомини ишлаб чиқиш, партия референдуми тўғрисидаги низом ҳамда партия сиёсатини амалга оширишга ундаш учун коммунистларнинг масъулиятини тағин ҳам аниқроқ белгилаб қўйиш ана шу мақсадга эришишга кўмаклашган бўлур эди.

Киров вилояти КПСС Совет район комитетининг иккинчи котиби **А. В. Шутилева** мафкуравий ишларда йўл қўйилган нуқсонлар ҳақида қуйиниб гапирди. Унинг фикрича, КПСС Марказий Комитети партия фаолиятининг ана шу муҳим соҳасига раҳбарлик қилишдан ўзини четга олди. У В. А. Медведевнинг XXVIII съезддаги ҳисоботи тўғрисида танқидий гапларни айтди, партия марказий органларининг мафкуравий соҳадаги фаолиятини қониқарсиз деб топишни таклиф қилди. Шундай улкан сиёсий, ижодий, эстетик имкониятларга эга бўла туриб идеология соҳасида ҳозирги ачинарли натижаларга эга бўлиш уятдир, деб ҳисоблайди делегат.

Нотиқ кўп миллатли мамлакатимизда у бошдан кечирган барча қийин даврларда социализм мафкураси қўл келганлигини таъкидлади. Ҳозир ҳам мафкуравий жиҳатдан принципиал ёндашишга йўл қўйиш мумкин эмас, акс ҳолда биз ўзимизни ўзимиз ичдан емириб ташлаймиз. Қандай принципларда ёндашиш мумкинлигини, қандай принципларда эса ёндашиш мутлақо мумкин эмаслигини аниқ белгилаб олиш керак.

Партия шунинг учун ҳам қайта қуришнинг олдинги сафида бўлмадики, қайта қуришни айни партиянинг ўзидан бошлаш керак эди. Бу ишда биз беш йил кечиккан эканмиз, деди делегат, эндиликда партиянинг бутун куч-ғайратини ташкилий ислоҳотни ғоят қисқа муддатда ўтказишга қаратиш зарур.

Партия ва мамлакатдаги фавқулодда вазият муносабати билан съездни ҳар йили ўтказиб, унда тегишли ҳисоб бериш ва самарали чоралар кўриш ҳақида таклиф киритилди.

КПСС бўладими ёки бўлмайдими, деган масала ҳозир ҳамлетчасига фожиали ва ўткир бўлиб турибди. Уни мана шу съездда ҳал қилишга тўғри келади, деб ҳисоблайди КПСС Дағистон вилоят комитетининг биринчи котиби **М. Г. Алиев**. Коммунистларнинг ҳам, бутун меҳнаткаш халқнинг ҳам партия янгиланишига, турмуш яхшиланишига, мамлакатдаги вазият барқарор тус олишига орзу-умидлари съездимиз билан боғланган.

Биз бу ҳақда ўйлаяпмизми? Шубҳасиз, ўйлаяпмиз. Аммо кўпинча минбарга марксизм-ленинизм идеалларига содиқлигимизни айтиш ва яна Марказий Комитет билан Сиёсий бюрони танқид қилиш учун чиқяпмиз.

Уларни мақташ учун далиллар кам. Бироқ нотиқнинг шунга ишончи комилки, ҳозирги вақтда энг асосий масала — партия бундан буён қандай ишлаши тўғрисидаги масаладир. Ҳозир истиқбол учун ҳам, тангликдан чиқиш даври учун ҳам аниқ-равшан ҳаракат режалари талаб қилинади. Агар бундай дастуриламал бўлмаса, КПСС тарихи чўзилиб кетган қайта қуриш билан тамом бўлади, деб дадил айтиш мумкин.

Бу эса партия сиёсатидаги оғишлар ва бузилишлардан қийналган халқ олдида жиноят бўлур эди. Жумҳурият коммунистлари КПСС ўз сафларини жипслаштириб, жамиятни турмуш даражасини пасайтирмаган ҳолда янгиланган социализм, янги хўжалик муносабатлари йўлига жўшқинлик билан олиб чиқишни ҳозирги вақтдаги вазифа деб биладилар. Бу ишни бошқа ҳеч қандай партия уддалай олмайди. Фақат — ҳозирча. Агар вақтни қўлдан бериб, партиянинг ўзини янгилашда яна сусткашлик қилсак, ижтимоий турмуш майдонидан тушиб кетишимизга тўғри келади. Бунинг учун ҳозирдаёқ оз иш қилингани йўқ.

(Давоми иккинчи бетда).

• *Москва. Махсус мухбирларимиз Кремлнинг Съездлар саройидан хабар берадилар*

Тўртинчи кунги съезд соҳалар бўйича секциялар мажлисларида ўз ишини давом эттирди. 4600 дан ортиқ делегат ўз хизмат вазифаси ва қизиқишига қараб ихтиёрий тарзда партияни янгилаш, КПССнинг мафкуравий иши, социал-иқтисодий снёсат, КПССнинг аграр снёсати, партия, Советлар, жамоат-сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар, КПССнинг миллий снёсати, КПССнинг халқаро фаолияти секцияларн мажлисларида қатнашдилар. Ҳар бир мажлис принципиал танқид ва ўз-ўзини танқид, талабчанлик руҳида, фикрлар тўқнашуви, ўткир баҳс, мунозаралар билан ўтди, амалий таклифлар киритилди.

СЕКЦИЯ МАЖЛИСЛАРИ НИМАЛАРНИ КЎРСАТДИ?

Партияни тубдан янгилаш масаласи кун тартибидаги энг муҳим ва долзарб масалалардан бири қилиб қўйилаётганининг сабаби маълум. Ҳисоботлар ва улар юзасидан бўлаётган музокараларда партияни янгилаш — унинг тақдирини белгилаш, мамлакатдаги энг кудратли снёсий куч сифатида яхлитлигини сақлаб қолиш бирдан-бир тўғри йўл эканлиги ҳақидаги фикр қизил ип бўлиб ўтиб турибди. Шунинг учун ҳам делегатлардан қайси секция ишида қатнашиш истаги борлиги ҳақида сўраганида 1200 га яқин киши партияни янгилаш секцияси мажлисида иштирок этиш хоҳишини билдиришди.

Съездлар саройида ўтган секция мажлисини РСФСР Компартияси Марказий Комитети биринчи котиби И. К. Полозков олиб борди. Эҳтиросларнинг шу қадар авж олдики, бутун мажлис давомида раислик қилаётган секция ишини тўғри изга солиб юбориш учун озмунча куйиб-пишмади. Буни кўриб делегат Г. Гумбаридзенинг кеча танаффус пайтида бўлган суҳбатда айтган гаплари хаёлга келади. «Делегатлар президиумдан яққол кўзга ташланиб турган залдаги аҳволни кўрганларида ўзларини бутунлай бошқача тутган бўлишарди, — деди у афсус билан. — Минбардан айтилаётган ҳар бир фикр ва мулоҳазага, таклифларга шовқин-сурон билан муносабат билдираётган гуруҳлар президиумда кафтда тургандай кўринниб турибди. Бу гуруҳлар ана шу таклиф, фикр ва мулоҳазалар ўзларига ёқмаганидан шовқин солмоқдалар. Баъзан яқдил, ҳамфикр зални кўриш истаги шунчалик устун бўлмоқдаки, бенихтиёр ана шу тартибсизликни келтириб чиқараётган фактларга ачиниб кетасан киши».

Мунозараларда фикрлар хилма-хиллиги яққол сезилиб турди. Деярлик ҳар бир делегат нутқида КПСС янги Устави лойиҳасига таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди.

Съезднинг ўтган мажлисларида бўлгани сингари секция мажлислари давомида ҳам асосий эътибор берилган ва фикрлар тўқнашувини келтириб чиқарган масалалардан бири — партия марказий органлари ҳақидаги масала бўлди. Нотиқлар кўпроқ партия қурилишининг иттифоқдош республикалар Компартиялари мустақиллиги билан боғлиқ бўлган янги жиҳатларига эътибор бердилар.

Раислик қилувчи музокараларда қатнашиш истагини билдирган барча делегатлар илтимосини қондиролмади. Залда ўтириб мажлиснинг боришини кузатар эканмиз, жумҳуриятимиз вакилларининг ана шу музокара ва мунозарада деярли иштирок этмаётганини сездик. Нега шундай бўляпти? Ахир улар съездга пухта тайёрлик билан келишган эди-ку, ёки одат бўлиб қолганидек, уларда камтарлик, тортинчоқлик яна устун келиб қолдими?

— Бизнинг музокараларда фаол қатнашиш истагимиз бор. Кўлгина делегатларимиз сўз сўраб рўйхатга ҳам ёзилишди. Аммо негадир бизнинг регионга деярли эътибор берилмаяпти. Ҳатто шу ҳақда президиумга ёзаётган хатларимиз ҳам эътиборсиз қолдириляпти. Бу ҳаммамизни ташвишлантирмоқда, — деди съездга таклиф қилинган Ўрта Осиё темир йўли тепловоз депоси машинисти Х. Исамуҳамедов.

Съезднинг мафкуравий ишлар бўйича секцияси мажлиси ҳам ғоят қизғин баҳслар билан ўтди. Мажлисда сўнгги йилларда ўтмишни қоралаш авж олиб кетгани, ҳатто В. И. Лениндан, коммунистик идеаллардан воз кечишгача бориш ҳақидаги таклифлар пайдо бўлаётгани жиддий ташвиш туғдираётгани қайд этилди.

Хоразм область партия комитетининг биринчи котиби Р. М. Худойбергановa, «Шарқ юлдузи» журналининг бош муҳаррири Ў. Ҳошимов ҳам сўзга чиқдилар. Р. Худойбергановa партия назарияси ва амалиёти, аёлларга муносабат, Орол фожиаси ҳақида ўз фикрлари билан ўртоқлашди. Ў. Ҳошимов мафкурамиздаги буйруқбозлик ва тобелик фожиалари ҳақида тўхталди. Жумҳуриятимизда минглаб одамлар ноҳақ қамалгани, «ўзбек иши» деган иборани таомилдан қонун йўли билан олиб ташлаш, съездда Оролни асраш бўйича комиссия тузишга қарши чиқаётганлар нотўғри иш қилаётганлиги, СССР мудофаа министри Д. Т. Язов ҳисоботида Ўзбекистон ҳукумати номига ноҳақ гаплар айтилгани, Совет Армияси сафидан сўнгги йилларда кўплаб йигитларнинг жасади келаётгани тўғрисида гапирди. Нотиқ ўз сўзида мажлис президиумидан жой олган Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби А. Масалиевга Уш областидаги фожиалар ҳақида саволлар берди.

Миллий масалаларни муҳокама қилган секцияда ҳисобот берган КПСС Марказий Комитетининг котиблари Г. И. Усмонов, А. Н. Гиренко ўртоқларнинг бўш, назарий, амалий жиҳатдан чуқур асосланмаган ҳамда эртанги кун учун на бир йўналиш, на бир аниқ таклиф бермайдиган нутқлари съезд вакилларининг норозилигига сабаб бўлди.

Секция минбаридан сўзлаган Самарқанд область партия комитетининг биринчи котиби П. Абдураҳмонов, залдаги микрофонлар ёнига чиқиб савол ташлаган Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Одил Ёқубов, Қорақалпоғистон вилоят партия комитетининг биринчи котиби С. Д. Ниетулаев, шунингдек партия аграр снёсати секциясида сўзлаган Мирзачўл районидаги Абай номли совхоз бригадири Р. Маматова ва бошқа ўзбекистонликлар ижтимоий соҳаларда жумҳуриятимизда амалга оширилаётган ишларни айтиб бердилар ва Иттифоқ миқёсида ҳал этилиши лозим бўлган, КПСС Марказий Комитетининг тезроқ, фаолроқ аралашувини тақозо этаётган муаммоларни ўртага ташладилар.

Афсуски, қўйилган бирорта масалага тўлиқ жавоб берадиган мард топилмади. Аксинча, Ўткир Ҳошимов қатнашган мафкуравий ишлар бўйича секциядаги каби, Одил Ёқубов армиядан тобути келаётган йигитлар ҳақидаги масалани кўтарганида, Кавказдан, Ленинграддан, Болтиқбўйидан келган ҳарбий қўмондонлар унинг гапларини инкор этишга уриндилар, бундай воқеалардан бехабар эканликларини ошкор этдилар. Демак бу бизнинг жумҳуриятда куйиб-пишиб қилаётган ишларимиз мамлакат миқёсида ҳали ўз эътиборини топмаётганини, бу борадаги ҳаракатларимизни давом эттиришимиз лозимлигини кўрсатиб турибди. Ўшда бўлган воқеалар бўйича комиссия тузиш масаласи ўртага ташланганида ҳам аниқ бир жавоб бўлмади.

Шулардан келиб чиқиб, Ўзбекистон ССР Олий Совети мустақиллик ҳақида Декларация қабул қилиб тўғри иш қилганлигига, Қозоғистон ва Ўрта Осиё республикалари раҳбарлари учрашиб, ҳамкорлик йўлига тўғри киришганликларини яна бир бор эътироф этамиз.

Секция мажлисларида делегатлар киритаётган таклиф ва талаблар съезднинг умумий мажлисида кўриб чиқилади.

Р. РАҲМОНОВ,
Ў. ҲОШИМОВ,
Р. ТУРСУНОВ,

ПАРТИЯ, МАМЛАКАТ, ҚАЙТА ҚУРИШ ТАҚДИРИ ТАШВИШИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Жамиятимизнинг, ҳатто партиянинг бир қисми сохта мафкуравий андозаларни танқид қилиш деган беозор баҳона билан Маркс—Энгельс—Ленин ғояларидан воз кечишга тайёр турибди. Агар классикларни социализм биноси улкан лойиҳасининг меъморларига ўхшатадиган бўлсак, шуни тан олиш керакки, қурувчиларнинг, «ишбошиларнинг» ўзлари етарли маҳоратга эга бўлмаган одамлар экан, бунда меъморларнинг айби йўқ.

Ҳозир, деб давом этди Доғистон партия ташкилотининг раҳбари, социалистик, коммунистик идеалларни ҳимоя қилишни асосий вазифалардан бири, деб биламиз. Бунинг ўрнига биз йўл қўйиб бўлмайдиган қандайдир ўйинни, социалистик мафкурани сифат жиҳатидан янгилаш ниқоби остида унинг гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа бурилаётганини кўряпмиз.

Партияни ислоҳ қилиш ниқоби остида у изчиллик билан жамият турмушидан сиқиб чиқарилмоқда. КПСС ичида икки партия, икки мафкура пайдо бўлди, деб ҳисоблайди у. КПСС раҳбар органлари бу ҳақда лом-мим демадилар. Ҳозир Марказий Комитетнинг Сиёсий ҳисоботида ҳам, Сиёсий бюро аъзоларининг ҳисоботларида ҳам уларнинг кимлигига аниқ баҳо берилмади. Муайян чегара борлигини, ана шу чегарадан ташқарига чиқиш билан принципсизлик бошланишини англаб етадиган пайт келди.

Раислик қилувчи навбатдаги нотиққа сўз беришдан олдин съезддаги мунозараларнинг ёзма қисмини —залдан президиумга тушаётган хатларни ўқиб эшиттиришга қарор берди. Бу хатлар хилма-хил, лекин уларнинг ҳаммаси Съездлар саройида бўлаётган воқеаларга зудлик билан билдирилган фикрлардир.

«Музокараларда бундан кейин сўзга чиқувчилардан КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби М. С. Горбачев номини мақтов билан тилга олмасликни сўрайман, — деб ёзади ана шу хат муаллифларидан бири.— Бу турғунлик даврини эслатади ва делегатларда нохуш кайфиятни вужудга келтиради». Зал бунга жавобан дарҳол ўз фикрини билдирди — қарсаклар янгради.

Раислик қилувчи съездни олиб бориш тартибига доир амалий таклифларни ўқиб эшиттиргандан сўнг мана бундай ёзувни ҳам ўқиб берди: «Марҳамат қилиб президиумнинг иккинчи қатор ўнг томонидан энг четида доим ухлаб ўтирган аъзосини уйғотиб қўйсангиз».

Нима ҳам дердик, кулги партия анжуманига халақит бермайди: айниқса вазият ғоят диққат-эътибор ва масъулиятни талаб қиладиган шароитда кўнгилни ёзиб олиш керак. Ўша хатларда президиум аъзоларидан «гаплашиб ўтирмасликни, балки нотиқларнинг гапларини диққат билан тинглашни» илтимос қилишлари бежиз эмас. Президиумдан: «Съезд ишини мамлакат ва партиянинг тангликдан чиқиши реал йўлларини излашга йўналтириш, умумий гаплар билан вақтни ўтказмаслик» илтимос қилинади. Яна бир илтимос: «Нотиқларнинг эътибори баландпарвоз гаплар, қарсак чалинишига мўлжалланган ноамалий танқид ва ўринсиз даъватлар кўплигига қаратилишини қатъий илтимос қиламан, ишнинг барча йўналишларида аниқ амалий таклифлар мутлақо йўқлигига ҳам эътибор берилсин».

Лекин мунозарани давом эттириш керак.

Деҳқончилик сиёсатида изчилликнинг йўқлиги, энг мақбул даражада ривожланишдан воз кечилганлиги ва шундан кейинги оғишлар ва хатолар қишлоқни янчиб ўтди — Тула вилоятидаги Ленин номли колхоз-наслчилик заводи раиси, «Новомосковское» агросаноат бирлашмасининг раиси **В. А. Стародубцев** қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволини ана шундай баҳолади.

Қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини тубдан қайта қуриш — керакли иш. Бу ҳозирги пайтда озиқ-овқат ресурсларини кескин кўпайтиришнинг бош омилидир. Аммо биз хўжалик юритишнинг қандай шаклларини жорий этмайлик, технология билан жиҳозланиш паст бўлган, қишлоқнинг ижтимоий соҳаси ўз ҳолига ташлаб қўйилган шароитда бунинг нафи тегмайди.

Маълумки, Ленин қишлоқдаги энг кўп сонли табақа сифатида ўрта ҳол деҳқонларга таянган эди. Ҳозир кимга таянилмоқда? Колхоз-совхоз деҳқонлари ўзларига таянилаётганини сезишмаяпти. Бу фақат ресурслар қирқиб ташланиб, капитал маблағлар камайтирилаётганидан эмас. Колхозлар ва совхозларни таг-томиригача вайрон қилиб ташлашга қатъият билан даъват этаётган айрим назариётчиларга таъна қилса бўлади. Шунинг учун ҳам деҳқонлар аграр сиёсатда ўзлари асосий куч эканлигини ҳис қилмаётирлар.

Ҳозир бозорга ўтиш шароитида деҳқон шаҳардан товарларни тобора кам оляпти, нарх-наво эса қимматлашмоқда. Деҳқонларимиз съездида талончилик бозори — шафқатсиз бозор деган сўзлар янграганлиги тасодиф эмас.

Деҳқон оғизда эмас, балки амалда ҳурмат қилишни ва ёрдам беришни талаб қилишга ҳақлидир. Бу аҳволдан чиқишнинг бирдан бир йўли — шаҳар билан қишлоқнинг бирлигидир. Қишлоқда замонавий ишлаб чиқаришни барпо этиш, қайта ишловчи саноатни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириладиган жойларга яқинлаштириш, халқ учун моллар ишлаб чиқараётган корхоналарни қишлоққа яқинлаштириш зарур.

Ишончим комилки, деб таъкидлади пировардида нотиқ, коммунистлар партияси асосий куч бўлиб келди ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда. Янгиланган, ҳар қандай оғишлар ва иккиланишларни бартараф этиб, меҳнаткаш халқ манфаатларини ўз фаолиятига асос қилиб олган партия ана шундай куч бўлиб қолаверади.

Мамлакатда ва партияда вазият танг бўлиб қолмоқда, деди минбардан ёқутистонлик делегат **А. А. Попов**. Социализм ғалабаларини қўлдан бериб қўядиган реал хавф пайдо бўлди, жамиятда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий кескинлик кучаймоқда. Бу хатарли вазиятдан қандай чиқиш мумкинлиги ҳозирча равшан эмас. Бу эса жамиятда сиёсий беқарорликка, аҳоли кўпчилиги турмуш даражасининг пасайишига олиб келмоқда. Одамлар КПСС Марказий Комитети ва ҳукуматдан меҳнат интизоми ва тартибни мустаҳкамлашга доир реал амалий ҳаракатларни кутавериб чарчадилар. Капитал маблағ сарфлашни талаб қилмайдиган, аммо жуда катта самара келтирадиган қонун ҳужжатлари мажмуаси зарур.

Ҳозирги мураккаб вазият, деб давом этди КПСС Сунтар район комитетининг биринчи котиби, ижтимоий онг бузилаётган, социализм ва коммунизм идеаллари, синфий ёндашув, ахлоқийлик негизлари емирилаётган, ёппасига тартибсизликлар ва жиноятчилик кўпайиб бораётган, миллий ва миллатлараро низолар кучайиб бораётган шароитда вужудга келмоқда. Бундай вазият социализмга қарши чиқаётган ва КПССнинг етакчилик ролини бўшаштиришни хоҳлайдиган одамларгагина маъқул бўлади. Бизда қайта қуришнинг боришига чинакам таъсир кўрсатишга тайёр турган сиёсий куч борми? Ҳа, бор, деб жавоб қилди нотиқ, — бу янгиланган КПСС. Лекин ҳозирги сиёсий раҳбарият партиянинг етакчилик ролини, кундалик ҳаётда унинг обрўсини ошириш ўрнига КПССни аста-секин оддий ижтимоий-сиёсий ташкилотга айлантириш учун ҳамма ишни қилмоқда. Буларнинг ҳаммаси жамиятнинг сиёсий ва иқтисодий структураларини бузиб ташлаш шароитида рўй бермоқда. Аммо ҳозирги пайтда КПСС мамлакатдаги барча демократик ҳаракатларни бирлаштирувчи ягона ижтимоий кучдир.

Нотиқ дастурий баёнотга КПСС жамиятнинг етакчи кучидир, деб ёзиб қўйишни ва айни вақтда ана шу ҳужжатдан КПСС сиёсий етакчилик ҳуқуқини бошқа жамоат тузилмалари билан эркин мусобақада ҳимоя қилади, деган қоидани чиқариб ташлашни таклиф қилди.

Литва Компартияси (КПСС) Марказий Комитетининг биринчи котиби **М. М. Буроквичюс** Литванинг съездидаги делегацияси ажрамачи миллатчи кучларга қарши турган ҳамда жумҳуриятда КПСС таркибига кирувчи Коммунистик партияни сақлаб қолган ва курашда жипслашган коммунистлар отрядининг вакили эканлигини айтиб, Литва фақат тенг ҳуқуқли совет социалистик давлатларининг янгиланган федерацияси таркибидагина чинакам мустақилликка ва суверенитетга эга бўлишини алоҳида таъкидлади.

Нотиқнинг фикрича, Литвадаги коммунистик ҳаракатнинг ажралиб кетишидан муҳим хулосалар чиқариб олиш лозим: натижада коммунистларнинг оммага таъсири анча бўшашди, СССРдан чиқиш йўлига ўтган ва ҳокимият устига чиқиб олган Советларга қарши миллатчи кучлар бундан фойдаланиб қолдилар; жумҳурият коммунистлари бир қисмининг ғоявий ва ташкилий жиҳатдан КПСС-дан ажралиши Литванинг қайта тузилган Компартиясини боши берк кўчага олиб борди; жумҳуриятда аслида қайта қуриш тўхтаб қолди.

Литванинг СССРдан чиқиши тўғрисида ҳужжат қабул қилинганидан кейин вужудга келган конституцион можаро, нотиқнинг фикрича, кучайиб чуқур сиёсий тангликка айланди. Юз берган аҳволнинг сабабларини тушунтириб, нотиқ ҳокимиятни қўлга киритган саюдистчилар жумҳуриятни ўта ўнг кучлар диктатураси йўлидан, миллатлараро низони авж олдириш, сиёсий рақибларига нисбатан чўчитиш ва маънавий қатағон, миллатчилик хуружларини авж олдириш йўлидан бошлаб бормоқдалар, деди.

Жумҳуриятда жиноятчилик кучайиб бормоқда, аҳоли муайян тоифаларининг ижтимоий ҳимоясизлиги тобора кўпаймоқда. Жумҳуриятни иқтисодий ва сиёсий фалокат ёқасига келтириб қўйган Литва раҳбарларининг сиёсати деҳқонлар кенг табақаларининг, йирик саноат корхоналари ишчиларининг, шунингдек зиёлилар ва дин арбоблари бир қисмининг норозилигига сабаб бўлди. Жумҳурият ҳозирги раҳбарияти истеъфога чиқишини талаб қилиш тобора очиқ айтилмоқда, деди делегат.

Биринчи котибнинг гапларига қараганда, ҳозирги вақтда Литвада жумҳуриятнинг СССРдан реал чиқишига эришишга қодир бўлган ягона сиёсий куч энди йўқ. Шу билан бир вақтда у Литва коммунистлари жумҳуриятда СССР Конституцияси ва Литва ССР Конституцияси, шунингдек Совет ҳокимияти муассасалари ишини тиклаш юзасидан СССР Президенти ва мамлакат ҳукумати тағин ҳам қатъийроқ чораларни кўришларига умид қилишга ҳақлидирлар, деб таъкидлади.

СССР халқ таълими давлат комитетининг раиси **Г. А. Ягодин,** ўзини қийнаб келаётган саволни берди: нега энди халққа яшаш учун мақбул шароит яратиш, турмуш кечириш, меҳнат қилиш, мамлакат билан фахрланиш имкониятини вужудга келтириш учун партиямизга етмиш йил ҳам кифоя қилмади?

Бу савол бизни яна тарихга мурожаат этишга мажбур қилади, нега энди кўп одамлар кўп партиявийликнинг юзага чиқиши партиянинг ҳозирги кунда мағлуб бўлишининг аломати деб билмоқдалар, деб ўзимиздан сўрашга мажбур қилади. Бир дақиқа фараз қилайлик, зал аҳлига мурожаат қилди нотиқ, Октябрдан кейин ҳокимият тепасига келган большевиклар ва бошқа партияларнинг коалицияси тўзиб кетмади дейлик, ана шундай шароитда деҳқонларни йўқ қилиб юбориш, 30-йиллардаги қатағонлар даврида партиянинг етук арбобларини қириб ташлаш мумкин бўлар эдими? Худди ўша якка мафкуранинг ҳокимлиги, деб уқтирди нотиқ, бизни шундай вазиятга гирифтор этдики, биз аслида сиёсатдан четга чиқиб қолдик ва партия оммаси билан ишлаш, унга таяниш имкониятидан маҳрум бўлдик.

Делегат янги Устав лойиҳасида баён этилган қоидани, яъни демократик централизм партия қурилишининг принципи деб мустаҳкамлаб қўйилишини танқидий баҳолади. Биз одатланиб қолган централизм, деб таъкидлади у, сира демократик централизм бўлмаган. Лекин бу бизни кучли марказни қўмсаш руҳида тарбиялади. Акс ҳолда, қайта қуришнинг мураккаб масалаларини тезроқ ҳал этиш учун марказнинг бирор бир янги кўрсатмасига таяниш ҳақидаги ҳозир тез-тез айтилаётган илтижолар ва истаклар қаердан пайдо бўлар эди. Шу муносабат билан нотиқ партия Марказий Комитетини қуйи ташкилотларда муқобил асосда, квоталарга кўра сайлаш тўғрисида Уставга муайян қоидани ёзиб қўйишни таклиф этди.

Программавий баёнотга келганда шуни айтиш керакки, бу баёнот, нотиқнинг фикрича, халқнинг орзу-умидларини акс эттириши керак. Бунинг моҳияти шундаки, иқтисодиётни қайта қуриб, жамиятнинг ижодий кучлари, омилкорлик ва ташаббусни кенг қанот ёздириб, биз маориф ва маданиятга диққат-эътиборни кескин оширишимиз керак, деди у.

Съездда рўйхатга олинган «Ёш коммунистлар» гуруҳи номидан шу гуруҳ бошлиғи **Б. П. Гуселетов** сўзга чиқди. Жамият ва партияда демократиялашга ўтиш даври чўзилиб кетмоқда. Бу давр амалий эмас, балки бузғунчилик тусини олмоқда. Шу боисдан ҳам мен ташвишга тушмоқдаман, деди у. Бу ҳолда туб иқтисодий ўзгаришлар, ҳаётий ижтимоий муаммоларни ҳал этишга устунлик берилиши керак. Миллий тотувликка, турли сиёсий кучларнинг жипслашувига эришиш зарур.

Делегатнинг фикрича, ҳозирча ана шу жараёнга бошчилик қилишга қодир бўлган амалдаги бирдан-бир сиёсий куч Компартиядир. Аммо ана шу мушкул муаммони ҳал этишга партияда жуда жўн ёндашув устун бўлиб турибди. Жипслашиш фақат шиорлар ва даъватларнинг ўзигина эмас. Бунинг устига, оғизда биз бирликка даъват этиб, амалда эса бир-биримизнинг гапимизга қулоқ солишни ҳам ўрганиб олганимиз йўқ. РСФСР Компартиясининг таъсис съезди шуни кўрсатди.

Вазиятга ёш коммунист нигоҳи билан баҳо бериб, партиямизнинг келажаги қандай бўлади, деб ўйлаб қоласан киши, деб таъкидлади нотиқ. Свердловск вилояти мисолида у партияга қабул камайиб бораётганини, партиядан чиқиб кетаётганлар эса кўпайиб бораётганини кўрсатди. Бу ёшларнинг партияга бўлган ишончи йўқолиб бораётганини кўрсатадиган хавфли тенденция ифодасидир.

Ёшлар назарида ҳақиқатан ҳам янгиланган партия қандай бўлиши керак? Жумладан, бу шундай партия бўлиши керакки, унинг бош вазифаси — одамларни мафкуравий гиёҳвандлик билан гангитиб қўймай, аниқ-равшан сиёсий ва ижтимоий вазифаларни ҳал этишга ўзини сафарбар этишдан иборат; бу ёшларнинг амалда сиёсий фаолиятга қўшилишига ёрдам берадиган партия бўлиши керак; бу унинг мақсадлари ва вазифаларини эътироф этадиган, ўзини партиянинг тенг ҳуқуқли аъзоси деб ҳис қиладиган жамиятнинг ҳар қандай аъзоси учун очиқ бўлган партия бўлиши керак; бу фикрлар ва қарашларнинг хилма-хиллиги табиий ҳол бўлган партия бўлиши керак; бу ўз келажагидан ташвишланадиган партия бўлиши керак, бу эса ёшлар масаласидаги эпчил сиёсатда ўз ифодасини топиши керак.

Нотиқ ёшлар гуруҳи номидан турли оқимлар намояндаларига ва платформаларга мурожаат этиб, уларни ақл-идрок билан ва узоқни кўзлаб иш тутишга, туб ўзгаришларнинг зарурлигини уқиб олишга, «болаларча сўллик касали»га барҳам беришга ва ўз фаолиятларига танқидий нуқтаи-назардан қарашга даъват этди.

Тарихни, социализмни, Совет давлатчилигини, бутун турмушимизни қайта идрок этишни коммунистлар, совет кишиларининг неча-неча авлодлари орзу қилган эдилар, ниҳоят бу рўёбга чиқди, деб таъкидлади Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, жумҳурият Президенти **А. Н. Муталибов**. Биз эркинроқ, бағри кенгроқ, покизароқ бўлиб қолдик. Бу чин ҳақиқат. Аммо бошқа ҳақиқат ҳам бор. Қайта қуришнинг беш йили мобайнида биз кўпроқ қуришдан кўра бузиш билан банд бўлдик. Шундай экан, биз бунда фақат апрель ўзгаришига жазм этган КПСС ва унинг раҳбарларини айблашдан бошқа иложимиз йўқ, деди у.

Қайта қуриш нима мақсадда бошланганини ва у кенг ишлаб чиқилган режасиз рўёбга чиқарила бошлаганини тушуниш мумкин, деб сўзини давом эттирди нотиқ, чунки вақт кам эди. Қайта қуриш ҳозир ҳам навбатдаги хатоликларга кафолат бўла оладиган, илмий жиҳатдан асосланган концепциядан маҳрум экан, демак жамият яна йўлдан чалғиб кетиши мумкин. Нотиқ қуйидаги саволни берди: шиддат билан кечаётган воқеалар гирдоби бизни қаерга олиб келди ва қаёққа олиб кетяпти? Шу ҳақда бафуржа ўйлаб кўриш вақти келмадимикин?

Нотиқ КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот маърузасини кескин танқид қилди. Унинг фикрича, докладда кўпроқ ўтмиш ҳақида гапирилган. Мамлакат орзиқиб кутган ҳужжатда асосий масалалар, яъни иқтисодий, сиёсий муаммоларнинг, миллатлараро нифоқларнинг боши берк кўчасидан қандай қилиб чиқиш лозимлиги кўрсатиб берилмаган.

Делегатнинг назарида, қайта қуриш меъморлари билан партия оммаси ўртасида йўл қўйиб бўлмайдиган узилиш пайдо бўлди. Юқоридагилар ҳал қилди, қуйидагилар рози бўлди қабилидаги эски ақида амал қилди. Ислоҳотларни ишлаб чиқиш бутун партиянинг, партия дастлабки бўғинининг ишига айланмади. Сиёсий ола-ғовурда кўпинча жамоа фикрининг самараси деб тақдим этилаётган олий сўз устун бўлаверди. Нотиқнинг фикрича, Марказий Комитет ва Сиёсий бюро ишининг услуби ва усуллари жамиятнинг ўзгариб бораётган турмуш шароитларига монанд бўлмади. Марказий Комитетнинг иқтисодиёт соҳасидаги фаолияти эса қониқарли эмас.

Съезд партиянинг келажаги ва унинг жамиятдаги ўрнига ўз муносабатини билдириши керак, деб ҳисоблайди делегат. Кўп партиялилик шароитида, нотиқ ибораси билан айтадиган бўлсак, партияни бадном этиш ва унга хуруж қилишга чек қўйиш керак. Чунки КПСС демократик беллашувда жамиятдаги ўз мавқеини мустаҳкамлаш ҳуқуқига эгадир. Ўзини ўзи фош этиш ва ўзини ўзи абгор қилиш васвасасига ҳам барҳам бериш лозим. Акс ҳолда, ана шундай шароитда партия коммунистик истиқболни амалга ошира олмаса керак.

Нотиқ миллатлараро муносабатлар ҳақида, ана шу жуда мураккаб масалалар хусусида обдон ўйлаб қарорлар қабул қилиш лозимлиги ҳақида ҳам гапирди.

Сиёсий ҳисобот жамият ва партиядаги мураккаб вазиятни тўла акс эттирмади. — «Печенганикель» кон-металлургия комбинати партия комитетининг котиби **Н. Н. Сидоркин**нинг фикри ана шундай.

Агар партиянинг обрўси ҳақида гапирадиган бўлсак, ҳозир бу обрў тушиб кетган, деб таъкидлади делегат.

Делегат партия раҳбарияти фаолиятига баҳо берар экан, Мурманск вилояти Печенга райони коммунистларининг фикрини ифодалаб, бу фаолият қониқарсиздир, деб уқтирди. Энди Бош котиб лавозимини бошқа мансаблар билан қўшиб олиб бориш масаласи тўғрисида гапирадиган бўлсак, биз буни мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблаймиз, деди у.

Жамиятни чинакам янгилаш учун теран демократик ўзгаришлар, биринчи навбатда партиянинг ўзида худди ана шундай ўзгаришлар бўлиши лозим, деб таъкидлади нотиқ. Съезд ҳозирги шароитда бошланғич ташкилотлар фаолиятининг мавқеини ишлаб чиқиши керак.

Коммунистлар социализмга қарши ва миллатчилик кучларининг пировард мақсадлари хусусида янглишмаслиги керак, деб огоҳлантирди ўз нутқида Литва Компартияси (КПСС) Марказий Комитетининг иккинчи секретари **В. Н. Швед.** Ҳали ғоявий қуролсизланиш даври келгани йўқ. Демократия тўғрисида шиорлар эълон қилишнинг ўзигина демократия эмас. Бу аввало ҳуқуқий ёки Уставга дахлдор дастурдирки, биринчи жиҳатдан у халқнинг амалдаги ҳокимиятини таъминлайди, иккинчи томондан эса ҳар хил авантюристлар ва янги сталинчилар халқ номидан ҳокимлик қилишларига йўл қўймайди. Соҳта демократлар одамларни ғоялар ва шиорлар билан ром этаётган бўлсалар ҳам, лекин кейинчалик ана шу ғоялар ва шиорларни тасдиқламаяптилар.

Агар КПСС якдилликни сақлаб қолсагина, мамлакат коммунистлари таъсирчан, сиёсий куч бўла оладилар, деб уқтирди котиб. Айни вақтда партия ташкилий жиҳатдангина эмас, ғоявий жиҳатдан ҳам ягона бўлиши керак. Ҳозир партияга аъзо бўла туриб айни вақтда уни қоралаш ва ҳатто унинг идеалларига қўшилмаслик расм бўлиб қолдику, ахир. Бу ахлоқсизликдир, деб таъкидлади нотиқ. Коммунистлар партияни заифлаштирмасдан, уни мустаҳкамлайдиган фикрлар хилма-хиллиги тарафдоридирлар. Коммунистлар баҳсларда ҳақиқат рўёбга чиқишининг тарафдоридирлар. Аммо улар партия ичида ажратиб ташлашга қаратилган қўпорувчилик ишига қаршидирлар.

Нутқда КПСС Марказий Комитетининг ишига танқидий баҳо берилди. Истиқболни ҳис этиш ва долзарб ишлашда нуқсонлар бўлди, деб таъкидлади нотиқ. Агар Марказий Комитет олдиндан ташкилий ва сиёсий чоралар кўрганида Литвадаги ва партиядаги кўпгина жараёнларни зарур ўзанга йўналтириш мумкин бўлур эди. Нотиқнинг фикрича, вазият назоратдан чиқариб юборилди. Бу эса ажралувчиларга вазиятни ва умуман жумҳуриятдаги партияни бузғунчилик ўзанига буриб юборишга имкон берди. Илдам ишламасликнинг сабабларидан бири шундаки, қарорлар қабул қилиш системасида ҳамма нарса Бош секретарга бориб тақалади, деб уқтирди Литва Компартияси Марказий Комитетининг секретари.

Нотиқ қарорлар қабул қилишда КПСС Марказий Комитети котибларининг, шунингдек Марказий Комитет бўлимларининг масъулиятини тубдан оширишни таклиф қилди. Унинг фикрича, Марказий Комитет аппаратида тўсатдан юзага чиқадиган воқеаларни олдиндан фараз қиладиган гуруҳ тузиш лозим.

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Министрлар Советининг Иқтисодий ислоҳот давлат комиссияси раиси **Л. И. Абалкин** ўз нутқини партиянинг ғоявий-назарий пойдеворини янгилаш муаммоларига бағишлади.

XIX партия конференциясидан кейин ўтган икки йил мобайнида мамлакат чуқур сурункали тангликка тушиб қолди. Шарқий Европадаги бир қанча мамлакатларда неча ўн йиллардан бери ҳукмронлик қилиб келган ижтимоий-сиёсий системалар инқирозга учради. 1917 йилнинг Октябрида қилинган ишни танқидий нуқтаи назардан англаб етиш тўлқини кучайиб боряпти.

Социалистик йўлни танлаб олиш ғояси мамлакат аҳолиси ўртасида ўзининг жозиба кучини йўқота бошлади. Бу ғоя одамларни бирлаштирадиган ва жипслаштирадиган ғоя бўлмай қолди. Ҳукумат вакилининг фикрича, худди ана шу партиядаги тангликнинг асосий сабабидир.

Сўнгги вақтда ақидаларни бузиб ташлашдагина эмас, балки бирор бир амалий иш қилиш, қандайдир ижобий хулосаларга келишда олға қараб одимлашга муваффақ бўлиндими? Делегатнинг фикрича, айрим жуда муҳим хулосаларни қайд этиш имконияти бор. Дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқишда ана шу хулосаларга таяниш мумкин.

Биринчиси шуки, социалистик йўлни танлаб олиш тақдирини бир мамлакатда ёки ҳатто бир нечта мамлакатда содир бўлаётган жараёнлар билан боғлаб бўлмайди. Иккинчидан, социализм ва социалистик эзгу-ният тақдирини бунинг бирор бир модели билан боғлаш ҳам жоиз бўлмайди. Бир моделнинг мағлуб бўлиши, емирилиши социалистик йўлни танлаб олиш ғояси ва принципларининг таназзулга учрашини билдирмайди. Дарвоқе, тажриба шуни кўрсатдики, иқтисодиётни ялписига давлат ихтиёрига олишга, бозорнинг аҳамиятини рад этишга асосланган модель юксак иқтисодий ва ижтимоий самаралар беришга қодир эмас.

Биз кўпинча «бошқачароқ» социализм қурибмиз, энди эса бўлакча, яъни инсонпарвар, демократик социализм бунёд этамиз деб гапиряпмиз, деб уқтирди бош министр ўринбосари. Шуни яққол тасаввур этиш керакки, биз социализм қурганимиз йўқ ва социалистик жамият шароитида яшаганимиз йўқ.

Нутқда партия олдида турган вазифа ана шу хулоса билан боғланди: социализмни қуриш ишига бошчилик қилиш, социалистик ғояни жамиятда фуқаролар барқарорлигига эришишнинг омилига айлантириш керак. Бунинг учун партиянинг ўзини ҳозирги давримизнинг ғоявий изланишлари марказига айлантириш, партияга давлатнинг энг яхши ақл-идрок кучларини жалб этиш керак.

Иқтисодий ислоҳот юзасидан ҳукумат комиссиясининг раиси бозор усуллари ва струрктураларини ўзлаштириш йўлларига катта эътибор берди, агар биз мукаммал ва самарали иқтисодиётга эга бўлишни истасак, ихтиёримизда бозор муносабатларига ўтишдан бошқа йўл йўқ.

Ҳар қандай партия, ҳар қандай ижтимоий ҳаракат учун, деди у сўзининг пировардида, тараққийпарвар ўзгаришлар тенденциясини илғаб олиш ва бу ўзгаришларнинг рўёбга чиқишига имкони борича ёрдам бериш муҳимдир. Ана шу жараёнга халал беришга уринаётган партия муқаррар тарзда тарихий кураш майдонидан четга чиқариб юборилади.

Кечки мажлиснинг ниҳоясида съезд «Иқтисодий ислоҳотни ўтказиш ва мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни барқарорлаштириш юзасидан шошилинч чоралар кўриш бўйича КПСС сиёсати тўғрисида»ги; «Иқтисодий ислоҳотни теранлаштириш шароитида КПСС аграр сиёсатининг асосий йўналишлари ҳақида»ги; «КПССнинг ёшлар сиёсати тўғрисида»ги қарорларни тайёрлаш юзасидан комиссиялар составини тасдиқлади.

Делегатлар миллатлараро масалалар хусусида, ҳозирги босқичда КПСС ҳарбий сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида, Чернобилдаги ҳалокатнинг оқибатларига сиёсий баҳо бериш юзасидан қарорлар ишлаб чиқиш учун комиссиялар тузиш тўғрисидаги таклифларни тасдиқлади. Ч. Т. Айтматов, А. Д. Лизичев, А. С. Камай шу комиссияларнинг раислари этиб сайландилар.

5 июль куни делегатлар етти секцияда ишни давом эттирдилар.

* * *

Кечки мажлисдан кейин М. С. Горбачев Кремлда съезд делегатлари — шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари билан учрашди.

* * *

5 июль куни съезд мунозаралари учун бир йўла еттита минбар бериб қўйилди. Лекин, шунга қарамай, ҳатто шу куни ҳам тангликдан қочишнинг иложи бўлавермади: делегатлар съезднинг еттита секциясида партия, мамлакат, қайта қуриш тақдиридан жиддий ташвишга тушганликларини ва ҳатто хавотир олаётганликларини айтиб, жуда қизғин суҳбатлашиб олишди.

Съезд ишининг дастлабки кунлари забт этилиши лозим бўлган довоннинг асосий нуқтаси партияни янгилашга тайёрликда эканлигини кўрсатди. КПСС Марказий Комитетининг съездга ҳисоботида янгиланган партияни унинг кўпчилик аъзолари қандай кўраётганликлари батафсил айтилган. Лекин жуда кўп бошқа жиҳатлар, фарқлар, муқобил фикрлар борки, албатта уларни изчил ўрганиш керак бўлади. Буларнинг ҳаммаси янада аниқроқ қарорлар ишлаб чиқишга ёрдам беради. «Янгиланиш» тушунчаси ҳозирча маълум маънода мавҳум бўлиб, уни аниқ-равшан, ранг-баранг мазмун билан тўлдириш, умрини ўтаб бўлган барча эски қолипларни бузиб ташлаш керак бўлади.

«Партияни янгилаш» секциясида ҳаммадан кўп қатнашаётган делегатларнинг жўшқин нутқларида бу вазифанинг ниҳоятда мураккаблигини тушунганликлари ҳар дақиқада сезилиб турарди. Секция ишида 1200 дан ортиқ киши қатнашиш хоҳишини билдирди. Раислик қилувчи **И. К. Полозков** кўп меҳнат қилишига, делегатлар билан биргаликда мунозараларда иложи борича кўпроқ нотиқларга сўз бериш имкониятига эга бўлиш учун иш тартибини «шиббалашига» тўғри келди. Ниҳоят, нотиқларнинг ҳар бирига кўпи билан етти минут вақт беришга келишиб олишди.

Мажлис бошланишида кун тартибида кўзда тутилган **Б. К. Пуго** ва **Ю. А. Манаенков** ҳисоботларини тингламаслик, уларга фақат савол бериш тўғрисида таклиф киритилганлиги сўзга чиқиши мумкин бўлган нотиқларда сабрсизлик туғдирди. Бироқ соғлом фикр устун келди.

Бир ярим йилдан буён КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги партия назорати комитетига бошчилик қилаётган **Б. К. Пуго** ҳисоботининг бошидаёқ мазкур комитет бутун партия сингари касалликка чалинганлигини айтди. Узоқ йиллар партия назорати комитети аслида хўжалик назорати билан шуғулланиб, турли ташкилотларнинг вазифасини бажариб келди. Айни пайтда асосий масалалар — партиядаги ишларнинг аҳволи, партиянинг софлиги ва соғломлиги иккинчи даражали бўлиб қолди. Демак, янги раис олдида партия назорати комитетининг ишига сифат жиҳатдан янги тус бағишлаш вазифаси турар эди.

Энг аввало комитет аппарати тубдан қайта ташкил қилинди. Министрликлар, идоралар, турли хўжалик муассасаларини назорат қилган кичик бўлинмалар тугатилди. Бу эса партия ички муаммосига эътиборни кескин кучайтириш имконини берди.

Партия назорати комитети коммунистларнинг, айниқса раҳбарларнинг турли суиистеъмолларига, партия интизоми бузилишларига, танқидни бўғишга ва расмиятчилик кўринишларига қарши қатъий кураш олиб борди. Партия таъсирининг айбдорларни партиядан ўчиришгача бўлган барча чоралари қўлланилди. Масалан, ғоявий жиҳатдан бузилган Медунов, Чурбанов, Насриддинова партия билетларидан маҳрум этилдилар. Партия назорати комитети текширишлари натижасида ўнлаб раҳбар коммунистлар партиявий тартибда ишдан олиндилар ва жазоландилар.

Турғунлик йилларида, шунингдек ҳозирги пайтда ҳам партиядан қувғин қилинган коммунистларнинг пок номини тиклаш — ишнинг энг муҳим жиҳатидир. Айни пайтда комитетнинг ана шу кишиларни партияга тиклашга оид қарорлари кўпинча жойларда қаттиқ қаршиликка дуч келди. Биз ўзбошимчалик ва манманлик кайфияти партиянинг барча бўғинларига кириб борганлигига ишонч ҳосил қилдик.

Коммунистларни, жумладан сталинчилик даврида қатағон қилинган кишиларни партиявий жиҳатдан оқлаш ишларини айни партия назорати комитети амалга оширмоқда.

Комитет раиси партия бирлигини мустаҳкамлаш соҳасида комитет қандай ишлар қилди, деган саволга жавоб қайтариб, партия назорати комитетини партиявий шафқатсизлик, норози бўлганларни бемалол тўқмоқлаш мумкин бўлган қандайдир партиявий калтакка айлантирмоқчи бўлган кишиларга қатъиян қарши эканлигини таъкидлади. Партия тарихида шундай бўлган ва бу қандай оқибатларга олиб келганлиги маълум.

Шахсан мен инсонни фикрлаш ва ҳаракат қилишдан ихлосини қайтарадиган «метин» бирликка қаршиман, деди нотиқ. Ҳозир КПССда қандай оқимлар борлиги сизларга маълум. Шу залда ўтирган биз, ҳаммамиз ана шу хилма-хилликнинг жонли ифодасимиз. Бизга КПССни янгилаш орқалигина эришиш мумкин бўлган бирлик зарур.

Партия назорати комитетининг раиси сўнгра турғунликда айбдор бўлган кишилар нима учун жавобгарликка тортилмадилар, деган саволга жавоб қайтарди. Улар орасида Гришин, Алиев, Кунаев, Романов ва бошқа бир қанча кишиларнинг фамилиялари тилга олинди. Биз — партия назоратини амалга оширувчилармиз ва фақат партиявий текширувлар ўтказамиз. Партия назорати комитетининг раиси шахсан мурожаат қилган СССР Прокуратураси ана шу шахсларнинг ғаразли суиистеъмоллар қилганликлари тўғрисидаги фактларга эга эмасликларини маълум қилди.

Бироқ нотиқ ҳозирги съезд Марказий тафтиш комиссиясига сиёсий хатолар учун партиявий жавобгарликка тортиш воситаларини ишлаб чиқишни топшириши мумкин бўлур эди, деб ҳисоблайди.

Унинг фикрича, муайян тарихий босқичларда партия йўл қўйган хатоларнинг ёки ҳатто барбодликларнинг сабабларидан бири — омма томонидан кучли, мустақил сиёсий назоратнинг йўқлигидир. Партиянинг назорат органи аслида маъмурий-буйруқбозлик системасининг итоаткор қуроли бўлган. У ўз номидан қатъи назар ҳамиша ана шу система қўл остида бўлган.

Пировардида Партия назорати комитетининг раиси Марказий назорат комиссиясининг вазифалари ва ваколатлари тўғрисида ўз фикрини батафсил баён этиб берди. Мазкур орган, деди у, кучли ва мустақил бўлиши зарур. Қонун ва ахлоқ устунлик қиладиган, қарорлар қабул этишда халқ бевосита қатнаша оладиган жамиятни назарда тутиб, омма ҳокимияти сари, шахс эркинлиги сари тезроқ олға боришни вазият талаб қилмоқда, деди КПСС Марказий Комитетининг котиби **Ю. А. Манаенков** ўз ҳисоботида. Менинг назаримда, маҳаллий партия органлари партиядаги энг нуфузли куч бўлиши керак, шу билан бирга бошланғич партия ташкилотларини амалда устун соҳалар орасида биринчи ўринга қўйиш лозим. Биз воқеа-ҳодисаларни олдиндан пайқаб ишлашни ўрганиб олмаганлигимиз Марказий Комитет Секретариати фаолиятидаги энг катта заифлик деса бўлади. Мен ўтган йил сентябрининг охирида Марказий Комитет котиблигига сайландим. Бу — унчалик катта муддат бўлмаса ҳам, қайта қуришдаги муваффақиятсизликлар ва хатолар учун ўз масъулиятимни англаб турибман.

Нотиқ иқтисодиётдаги аҳвол кўнгилдагидек эмаслиги ҳақида гапириб, қуйидагиларни таъкидлади: бозор муносабатларига ўтиш зарурлиги шубҳасиз, бироқ аҳолининг йўқсил қисми ана шундай муносабатлар шароитида муқаррар бўладиган қўшимча оғирликларга бардош бера олмаслиги мумкинлиги ташвишга солмоқда. Унинг фикрича, қишлоқдаги вазият нега тобора ёмонлашиб боряпти, деган саволга ҳам аниқ жавоб йўқ.

Бизнинг ишимизда палапартишликлар кўп. Бироқ қайта қуриш — биз рад қилаётган нарсалардангина иборат бўлиб қолмай, асосан бунёд этаётган нарсаларимиздан иборатдир. Бу нарсаларнинг ижодкорлари ҳақида ўтмишдаги иморатнинг вайроналарига қараб эмас, балки янги иморатнинг мавжудлигига қараб фикр юритадилар ва ҳозирнинг ўзидаёқ шундай фикр юритмоқдалар.

Биринчи сўзни ҳам, охирги сўзни ҳам партия айтадиган замонлар ўтиб кетди. Аммо унинг йўли ҳаракатсиз туришдан иборат бўлиб қолиши ҳам мумкин эмас. Жамиятни жипслаштириш ва мустаҳкамлашни хоҳлайдиган партия ўзини ўзи жипслаштирмаслиги ва мустаҳкамламаслиги мумкин эмас. У кучли бўлган тақдирдагина шундай қила олади. Акс ҳолда у ўзининг сиёсий сардорлигини архивга топширишига тўғри келади. Бундан бошқа йўл йўқ.

Партиямизга янги жўшқинлик, янгича иш шакллари керак. Унинг аниқ ғоявий-сиёсий йўл-йўриқлари ва мезонлари бўлиши лозим. Аммо унинг фаолияти усуллари ғоят қайишқоқ ва жуда ўзгариб турувчан бўлиши керак. Партия ўзининг жипслаштирувчилик вазифаларини тобора кучайтириб бориши, барча соғлом кучлар ва ҳаракатлар бошини қовуштириб, уларни бирлаштирувчи бўлиши, қонун доирасида иш кўраётган барча ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиши керак.

Минг афсуски, кўпинча КПССнинг ўз иштирокида КПССни заифлаштирадиган ва кемирадиган ишлар содир бўлмоқда. Аниқроғи партия даргоҳидан чиқиб, бамисоли авлод-аждодини танимайдиган ўғил каби энг оғир дамларда бадкирдорлик қилаётган сиёсий кучлар иштирокида шундай қилинмоқда. Партия ўтмишдошларимиз учун тавба-тазарру қилмоқда. Аммо у ўз бағрини нақадар кенг очган сайин, унга бегона гуноҳларни шунчалик кўп тўнкамоқдалар. Шу сабабли партиямиз доимо тавба қиладиган гуноҳкор ролини ўйнайвериши хатарлидир. Сохта маънавий янгиланишда уст-бош ечиб олинганидан кейин жоннинг ўзини талаб қилиб олишлари ҳам ҳеч гап эмас.

Қадимий ҳақиқат мавжуд: қалблар бўлинганида, ватан ҳам бўлина бошлайди. Партиямиздан ҳаммамиз ҳам мамнунмиз, деб бўлмайди. Бироқ у ва фақат у ҳали ҳам бўлса ўнг қўл билан сўл қўлни зиддиятлар азобини тортаётган бемор ватаннинг боши узра яна қовуштиришга қодирдир. Ҳаракат дастурларидан, гуруҳий ва шахсий ёқтириш ва ёқтирмасликлардан қатъи назар, биз бу ишда унга ёрдам беришимиз керак.

(Давоми учинчи бетда).

ПАРТИЯ, МАМЛАКАТ, ҚАЙТА ҚУРИШ ТАҚДИРИ ТАШВИШИДА

(Давоми. Боши биринчи ва иккинчи бетларда).

Мафкурамизнинг кулфати шундаки, тарихнинг янги-янги давраларида партия чинакамига бонг ура олмади, яхши уруғлар халқ маорифи ва тарбияси майдонига эмас, балки ақидалар ва расмиятчиликлар қоришмаси гирдобига ташланди. Агар эс-ҳушимизни йиғиб олмасак, ҳар бир янги ва янги маънавий ҳосилсизликкача мудом қарзга ботиб яшайверамиз.

Нақадар ачинарли бўлмасин, ўсиб келаётган ёш кадрларимиз жуда заиф. Партия ёшлар сиёсати билан етарлича шуғулланмаяпти. Бунинг устига бу сиёсат ёшларнинг ўсишидан мутлақо орқада қолмоқда. Агар биз ёшларнинг даъватига жавоб топа олмасак, ёшларнинг куч-ғайрати ва ақл-заковати бизнинг ижтимоий-сиёсий практикамизга сингдириб юбориладиган шароитни яратмасак — биз сиёсий сардор бўлиш у ёқда турсин, келажаксиз бир партия бўлиб қоламиз.

Секциядаги мунозара жўшқин ўтди, нотиқларни лоқайдликда мутлақо айблаб бўлмайди. Тўғри, раислик қилувчи вақти-вақти билан делегатларнинг илтимосига кўра «партияни янгилаш» мавзуидан четга чиқмаслик, умумий мулоҳазаларга вақтни исроф қилмаслик зарурлигини нотиқларга эслатиб туришга мажбур бўлди.

Партия Уставини қандай қилиб такомиллаштириш лозим? Бўлғуси дастур қандай бўлиши керак? Партия марказий органлари ва бошланғич ташкилотлари ўрнининг янгилиги нимадан иборат? Аъзолик бадалларини қандай сарфлаш лозим? — деган энг муҳим муаммолар мунозаранинг марказида бўлди. КПСС номининг ўзини ўзгартириш керак эмасми, қабилидаги кутилмаган саволлар ҳам ташланди. Делегатлар орасида партияни янгилаш зарурлигига шубҳаланувчилар йўқлигини мунозара кўрсатди. Дастурий қоидалар ва ташкилий негизларга келганда эса, бу соҳада фикрлар жуда хилма-хил бўлди.

Партияни янгилашнинг бош йўли унинг халқ орасидаги обрў-эътиборини — аввало маънавий обрў-эътиборини қайта тиклашга қаратилиши керак. Партиянинг ролига янгича ёндашувлар бўлмаса, унинг обрў-эътиборини кўтариб бўлмайди, зеро энди партия маъмуриятчилик билан эмас, балки сиёсий, тарбиявий ишлар билан шуғулланиши керак бўлади. Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби **В. П. Поляничко**, КПСС Курск вилоят комитетининг биринчи котиби **А. И. Селезнев** ва бошқалар шу ҳақда гапиришди.

Шу мавзуни муҳокама қилиш асносида партия бу мақсадга қандай қилиб яхшироқ эриша олиши ҳақида баҳслар бўлиб турди. Ишлаб чиқаришдаги бошланғич ташкилотларнинг фаолияти одатдаги табиий бир ҳол бўлиб қолган. Бироқ истиқомат жойи — тарбия жойи, оилада тартиб бўлса, мамлакатда ҳам тартиб бўлади, деб ҳисоблаётган делегатларнинг гапида ҳам жон бор.

Янги Устав лойиҳаси юзасидан — унинг айрим моддалари юзасидан ҳам, унинг умумий концепцияси юзасидан ҳам кўпгина таклифлар киритилди. Чунончи, КПСС Хакассия вилоят комитетининг биринчи котиби **Г. П. Казьмин**нинг фикрича Уставда демократик централизм қоидаси қатъий жой олиши керак. Ишончни оқламаган раҳбарларни муддатидан аввал чақириб олишни Уставнинг қоидасига айлантириш зарурлиги тўғрисидаги фикр янгради. Назариядаги вазият ҳақли равишда танқид қилинди: баъзи нотиқларнинг фикрича, замонавий фан бўлмиш партия қурилиши унутиб қўйилди. СССР Мудофаа министрлиги ҳарбий тарих институтининг бошлиғи **Д. А. Волкогонов** партиянинг дастурини бутунлай қайтадан ишлаб чиқишни таклиф қилди.

Мунозара давомида «армия ва партия» муаммоси муҳим ўрин олди. Чунончи, Харьков олий ҳарбий авиация-инженерлик билим юрти кафедраси бошлиғининг ўринбосари **Л. В. Фадеев**нинг фикрича, қуролли кучлардаги партия турмушига кўп жиҳатдан қироатхонлик сингиб кетган. Айни вақтда армияда сиёсий ўзаро курашга асло йўл қўйиш мумкин эмаслигига унинг ишончи комил. Шу муносабат билан СССР Давлат хавфсизлиги комитети Шимолий-Ғарбий чегара округи қўшинларининг бошлиғи **А. Г. Викторов** сиёсий органларнинг аҳамияти ҳақида гапирди.

Делегатлар дастурий баёнот ва партия Устави лойиҳаларига бошқа кўпгина таклифлар ҳам киритдилар, уларнинг сўзларига қараганда, бу таклифлар ички партиявий демократияни ривожлантиришга кўмаклашади.

* * *

Фақат янгиланган КПСС-гина қайта қуриш ишини ниҳоясига етказа оладиган барча соғлом кучларни жипслаштириши мумкин. Бу фикр съезд делегатларининг нутқларида бир неча бор янгради. Уларнинг айтишича, партиянинг мафкуравий калтабинлиги, қироатхонлик, партия раҳбарларининг сиёсий ва мафкуравий жараёнлар ташаббускори бўлиб чиқишга, мамлакатнинг барча тараққийпарвар ижтимоий-сиёсий кучлари билан мулоқот, ҳамкорлик ва шериклик муносабатларини ривожлантиришга уқувсизлиги партияни бундай янгилаш йўлидаги энг катта тўсиқ бўлиб қолган.

«КПССнинг мафкуравий иши» секциясидаги мунозарада омма орасида коммунистлар қиладиган бу муҳим ишни такомиллаштиришга оид аниқ таклифлар кўп айтилди.

Делегатлар ҳузурида **И. Т. Фролов** ҳисобот берди. У асосий диққат-эътиборни КПСС Марказий Комитетининг котиби сифатида қилган ишларига қаратди ва шу билан бирга партия XXVII съездида Марказий Комитет аъзоси қилиб сайланган пайтдан кейинги фаолияти ҳақида батафсил гапиришни зарур, деб топди.

1985 йил, деди нотиқ, менинг шахсий ҳаётимда, менинг ғоявий чиниқишимда жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Чунки мен бундан аввал фаол журналистика, сиёсий фаолиятдан четлаштирилган эдим. Мен янги сиёсий йўлни чин дилдан қабул этдим. Мен учун бу қандайдир вақтинчалик имконият эмас, балки кўп йиллар давомида рўёбга чиқаришга уриниб келган ғояларимни амалда юзага чиқариш имконияти эди.

Гарчи умр бўйи зўр ғайрат билан меҳнат қилиб келган бўлсам ҳам, Марказий Комитетда бўлганим — тўрт йил ва тўрт ой мен учун энг зўр меҳнат даври бўлганини айтишим керак. Партиянинг муҳим ҳужжатларини тайёрлашга алоқадор иш коллектив меҳнат бўлди, албатта.

Ўзим учун қуйидаги муҳим даврларни ажратиб олган бўлур эдим. Аввало — Марказий Комитетда фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга бағишлаб 1985 йил июнида ўтказилган кенгаш. Ўшанда мен «Ҳал қилувчи ўзгаришлар даври» деган мақола ёздим. Публицистика билан шуғуллана бошладим, тез орада «Коммунист» журналининг бош муҳаррири этиб тайинландим.

Қайта қуришнинг кўпгина ғоялари 1985 йилдан кейин дарров пайдо бўлмаганини нотиқ таъкидлаб ўтди. Бу ғоялар узоқ вақтдан бери етилиб келган бўлса ҳам, аммо таъбир жоиз бўлса, захира ҳолатида эди. Брежневчи-сусловчи мафкурачиларнинг фаолиятини ҳозирги давр нуқтаи назаридан баҳолаб, нотиқ уларнинг айни қайта қуришга керак бўлган ғоялар ва одамларни орқага суриб қўйганликларини таъкидлади. Масалан, умумбашарий жаҳоншумул муаммолар, умумбашарий қадриятларнинг устунлиги қисмати мана шундай бўлди, ҳолбуки кейинчалик бу муаммолар эса янги сиёсий тафаккурнинг ўзагига айлантирилди. Октябрнинг 70 йиллигини назарияни ривожлантириш учун ва шахсан ўзим учун жуда муҳим босқич, деб ҳисоблайман. Айни шу даврда мен маърузанинг асосий фикрларини ишлаб чиқиш учун ўз ғояларим зарурлигини ҳис қилдим — М. С. Горбачевнинг ёрдамчиси, маслаҳатчиси, кенгашчиси сифатида таклиф этилдим. Айни КПСС Марказий Комитети Бош котибининг маърузасида биринчи марта тарихимиз тараққиётининг бутун-бутун даврлари, айтайлик, Николай Иванович Бухарин каби одамлар таърифлаб берилди. Ёки, айтайлик, мамлакат тарихининг Н. С. Хрушчев номи билан боғлиқ бўлган бутун бир даври акс эттирилди.

XIX партия конференцияси қайта қуришнинг энг муҳим босқичларидан биридир. Бу конференцияда шундай бир ёндашув таърифлаб берилдики, бу ёндашувга биноан биз иқтисодий ўзгаришлардан кейин сиёсий ислоҳот билан ва партиянинг ўзини ислоҳ қилиш билан астойдил шуғулланишимиз керак бўлади. Бу бениҳоя мураккаб ишни давом эттириш XXVIII съезд зиммасига тушди. Партияни ислоҳ қилиш, партияни янгилаш, аслида янги партияни барпо этиш — сиз билан биз дарров ҳал қиладиган иш эмас, деб ўйлайман. Аммо биз ривожланиш йўлларини белгилаб берамиз. Марказий Комитетнинг сиёсий ҳисоботи тайёрланаётган вақтда мен ўз ўрнимни мана шундай тарзда тушундим.

Нотиқ жамият турмушида партиянинг таъсири ва аҳамиятини ошириш йўллари ҳақида гапириб, уни янгиланиб бораётган партия деб, ишлаб турган жонли партия деб, асосан оммани иқтисодий соҳадан тортиб, маънавий соҳагача турмушнинг барча жабҳаларида фаол ишлашга сафарбар қилувчи ғоявий-сиёсий куч деб билаётганини айтди.

«Правда» газетасининг бош муҳаррири рўзнома фаолиятининг истиқболларига тўхталиб, ҳозирнинг ўзидаёқ қудратли бирлашма — ўзини ўзи пул билан таъминлайдиган, хўжалик ҳисобида ишлайдиган мустақил «Правда» бирлашмасини барпо этиш зарурати пишиб етилганини таъкидлаб ўтди, бу бирлашма баъзи партия газеталарини, ёшларнинг нашриётларини, журналларни ва, албатта, телевидениени ўз ичига олган бўлур эди.

Съездда партия фаолиятининг баъзи жиҳатлари хусусида айтилаётган танқиднинг ҳақлигини уқтириб, КПСС Марказий Комитетининг котиби сўзининг охирида бундай деди: аммо биз мана шуларнинг ҳаммаси ортида асосий нарсани — мамлакатимиздаги қайта қуришнинг бошланиши жафокаш Ватанимизнинг катта ва умидбахш иши бўлиб қолганини англашдан маҳрум бўлиб қолмасак яхши бўлур эди. Биз ҳеч ким босиб ўтмаган йўлдан боряпмиз, шу сабабли ўзимиз ўзимиз учун йўл қуриб олишимиз керак. Бу йўлни бизга ҳеч ким қуриб бермайди.

Секциянинг ҳамраислари — Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби **П. К. Лучинский** ва Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби **А. М. Масалиев** мунозарада сўзга чиқишга ёзилганлар жуда кўплигини ҳисобга олиб, делегатларга социология экспресс анкетасига ўхшаш бир тадбир ўтказишни, яъни улар КПССнинг мафкуравий фаолиятини такомиллаштириш учун қандай йўлларни кўраётганликлари тўғрисидаги энг муҳим фикрларнигина айтишларини таклиф қилдилар. Бироқ ҳозир бўлган делегатлар бу тартибга рози бўлмадилар, мунозара тўла-тўкис бўлаверишини талаб қилдилар. Мунозаранинг биринчи қатнашчиси Ю. А. Гагарин номидаги ҳарбий-ҳаво академиясининг муаллими **Н. С. Столяров** қайта қуриш давомида мафкуравий ишдаги «баъзи силжишлар»ни қайд этгач, бу соҳада ишнинг сўздан мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган даражада орқада қолаётганлиги «халақит берувчи асосий тўғаноқ» эканини айтди. Жумладан, нотиқ «сўз» деганда партия ўтмиш оғмачиликларидан воз кечишини эълон қилган КПСС Марказий Комитетининг Ҳаракат дастурини кўзда тутган бўлса, «иш» деганда Марказий Комитетнинг коммунистларга очиқ хатини назарда тутди, бу хатда, муаллимнинг айтишича, ўтмиш замонлардан таниш бўлган: «текшириб чиқиш», «жазолаш», «ўчириш» каби дўқ-пўписаларни эшитдик.

Шу делегатнинг, шунингдек мунозарада сўзга чиққан Новгород педагогика институти ректори **Н. Г. Биндюков**нинг фикрича, халқ таълими ва маданияти савияси доимо пасайиб бориши оқибатида ижтимоий онгнинг кучайиб бораётган инқирозига етарли баҳо бермаслик партиянинг мафкуравий ишига катта зиён етказди. Қайта қуриш сиёсий ва иқтисодий муаммоларининг устунлиги хусусида ҳеч ким баҳс қилмайди, дейишди улар. Аммо инсонни маънавий жиҳатдан қайта тикламай туриб, яхши рағбатлантириладиган, виждонан қилинадиган ҳалол меҳнатнинг обрўсини кўтармай туриб, жамиятни тўла-тўкис янгилаб бўлмайди.

Секция мажлисида маданият ва таълим соҳаларида тижорат сари оғиш бошланганлиги муносабати билан мафкурачилар шаънига айниқса кескин гаплар айтилди.

Партиядаги назарий инқироз ижтимоий онгдаги инқирознинг аниқ ифодасидир. КПСС Ленинград вилоят комитетининг котиби **Ю. П. Белов** ўз нутқидаги шу асосий фикрни тасдиқлаб, жумладан, партия мафкуравий ғанимларнинг В. И. Ленин меросига эҳтимол тутилган хуружининг олдини ололмаганлиги муносабати билан ташвишланиб гапирди. Биз бу хуружлар йўлига назарий тўсиқ қўймадик, деди у. Афсуски, жамиятни янгилашнинг илк босқичидаёқ шу хатога йўл қўйдик.

Бу секциядаги мунозара қатнашчилари орасида кўпгина журналистлар, оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари борлиги табиий. КПСС Марказий Комитетининг партия съездига сиёсий ҳисоботида журналистларга мурожаат этилиб, қайта қуришнинг соғлом кучларини бирлаштиришга фаолроқ кўмаклашишга аниқ даъват қилинган. Чехов районидаги «За коммунистический труд» газетасининг муҳаррири **В. И. Михеева** билан Киров шаҳридаги «Рабочее слово» газетасининг муҳаррири **П. Ф. Вербило** ўз нутқларида мафкуравий ишнинг мана шу муҳим соҳасида ҳамма нарса ҳам кўнгилдагидек эмаслиги ҳақида гапирдилар. Партиянинг мафкуравий таянчи бўлган бизлар мана шундай ночор моддий база билан, журналистлар моддий таъминотининг паст даражаси билан ҳали узоқ вақтгача қарздор бўлиб юраверсак керак, деб таъкидлашди улар. Партия нашрлари билан ёнма-ён кооперативларнинг ва норасмий уюшмаларнинг ҳамёнидан тантилик билан таъминлаб турилган турли-туман варақалар қўзиқориндек кўпайиб бораётган бир шароитда бунга айниқса йўл қўйиб бўлмайди.

Мафкура — ишонтириш илми. Шу боис секциянинг ишига бир талай олимлар қизиқиш билан қараганликлари тасодифий ҳол эмас. Уларнинг кўпчилиги ёш олимлардир. Москва, Ленинград, Қозоғистон, Украина илмий жамоаларининг намояндалари сўзга чиқишди. СССР Фанлар академияси умумий физика институти лабораториясининг мудири **Г. В. Козлов**, жумладан, фан сифатида мафкуранинг усуллари жамият тараққиётининг ҳақиқий суръатларидан жуда орқада қолаётганига эътиборни қаратди. Унинг фикрича, бу фаолиятда андозалар ва сийқа усуллар устунлик қилмоқда, масалан, гарчи бутун маърифатли дунё ҳозир иқтисодий масъулият каби ҳуқуқий қоидага асосланиб турган бир пайтда, аввалгидек «партиявий масъулият» ибораси тилдан тушмаяпти.

Мафкурамизнинг яна бир хира андозаси — душман қиёфасидан воз кечмасликдир. Биз ташқи сиёсатда бу нарсага анча муваффақиятли барҳам бердик, аммо ички сиёсатда «душман қуршови» кун сайин ортиб бормоқда: жамиятга келтираётган фойдасидан қатъи назар ҳар қандай мулкдор душман деб эълон қилинмоқда, деди делегат.

Секция ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг котиби В. А. Медведев қатнашди.

* * *

«КПССнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати» секциясида жамиятимизнинг келажаги, қайта қуришнинг тақдири кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган масалалар муҳокама қилинди. Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби **С. И. Гуренко** раислик қилди.

Секция иши давомида партия олий раҳбарияти аъзоларининг иши тўғрисидаги ҳисоботлар давом этди. Биринчи сўз КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига номзод, СССР Министрлар Кенгаши Раисининг ўринбосари **А. П. Бирюкова**га берилади. Партия ва давлатнинг сиёсий раҳбарияти, деди у, қолдиқ принципи деб аталган принципдан воз кечиб иқтисодий афзалликларни ижтимоий соҳа фойдасига ўзгартириш йўлига қатъий ўтди. Нотиқ сиёсий маърузадаги ижтимоий сиёсатга тааллуқли баҳолар ва хулосаларни қўллаб-қувватлаб, барча муаммолар ва қийинчиликларга қарамай, беш йил ичида асосий ишни уддалашга — мамлакат халқ хўжалигини ижтимоий соҳага йўналтириш жараёнини бошлаб юборишга, унинг ривожланишини халқ турмуш шароитини яхшилаш ўзанига йўналтиришга муваффақ бўлинганини айтиб ўтди.

Истеъмол бозоридаги вазиятни ўнглаб олиш учун халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган тармоқлар, аввало енгил саноат хўжалик юритишнинг янги шароитига биринчилар қаторида ўтказилди. Корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш режалари қабул этилишига, машина-ускуналарни харид қилиш, бир қанча пойабзал ва чарм заводларини қуриб фойдаланишга топшириш учун чет элдан олинадиган қарзларни жалб этишга муваффақ бўлинди. Чунки аҳолини чет элдан келтирилган кийим-кечак ва пойабзал билан кийинтиришга умид қилиш жиддий иш эмас.

Тўрт йил ичида ашёвий моллар ишлаб чиқаришни ўнлаб миллиард сўмлик кўпайтиришга, ўсишни олдинги беш йилликдагидан оширишга муваффақ бўлинди. Лекин аҳоли пул даромадлари кўпайишининг қудратли тўлқини бозорни барқарор этишга қаратилган барча куч-ғайратларни пучга чиқармоқда. Бу жараённи тўхтатишга ҳозирча муваффақ бўлинмади. Биз моллар ишлаб чиқаришни анча кўпайтиришга эриша олмадик, чунки иқтисодий ислоҳотни амалга оширишда изчил ҳаракат қилмадик, илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш имкониятларини оширишга тегишлича эътибор бермадик.

Сўнгра нотиқ бозорнинг номутаносиблигини тезроқ тугатиш резервларига батафсил тўхталиб, бошқариладиган бозор иқтисодиёти қанчалик муваффақиятли қарор топса, режалаштирилган барча ишлар шу қадар тезроқ ва натижадор амалга оширилади, деб таъкидлади.

Сўнгра у совет кишилари ижтимоий ҳимояланиши масалаларининг ҳал этилиши, бир қанча катта қонун ва норматив ҳужжатларни тайёрлаш ва уларни муҳокамадан ўтказиш тўғрисида сўзлади. Ижтимоий соҳага доир кўпгина муҳим ҳужжатлар такомиллаштирилмоқда. Улар ҳозир тайёргарликнинг турли босқичида турибди.

Сиёсий бюронинг қатъий йўл тутиши туфайли ушбу беш йилликда соғлиқни сақлашни чинакамига юксалтиришга, ҳатто уни тиклашга киришдик, бу соҳага бюджетдан ажратиладиган маблағ ҳам, капитал маблағ ҳам анча кўпайтирилди. Лекин бу ишлар бир неча йил эмас, балки ўнлаб йиллар кечикди ва ночорлик палласига келгандагина амалга оширилмоқда.

Таркиб топган тамойилни ўзгартириш қийин. Бунинг учун мен ҳам жавобгар эканлигимни англайман, деди нотиқ. Кўпроқ талабчанлик, қатъият кўрсатиш, қарорларнинг бажарилишига эришиш, Советлар, жамоат ташкилотлари билан тағин ҳам пухтароқ ва моҳирлик билан ҳаракат қилиш, технократик тафаккурнинг сийқа ақидаларини, ижтимоий масалаларга иккинчи даражали деб муносабатда бўлишни тугатиш лозим.

Пировардида у қайта қуришнинг мақсадлари ва асосий мазмунининг тўғрилигига ишонч билдирди. Демократиялаш, ошкоралик, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар, ССР Иттифоқини янгилаш — бизнинг энг бебаҳо ва муқаррар ютуқларимиздир.

КПССдаги барча соғлом кучларни жипслаштириш, унинг сафларига ижодкор, фаол ёш кучларни жалб этиш зарурлигига ишончим комил, деди КПСС Марказий Комитетининг котиби **О. Д. Бакланов.**

Янги сиёсий тафаккур барча мудофаа ишларимизга янгича назар билан қарашни талаб қилди. Бир томондан, совет тинчлик ташаббуслари қурол-яроғларни қисқартириш юзасидан реал қадамларга олиб келди. Иккинчи томондан — ҳарбий хавф ҳали тугагани йўқ, бинобарин мудофаа учун етарли бўлган доирада қуролли кучларни самарали жанговар техника билан қуроллантириш ва айни пайтда бу ишга ажратиладиган пулни камайтириш лозим. Шу билан бир вақтда муҳим халқ хўжалик муаммоларини ҳал этиш учун мудофаа комплексидан фойдаланиш олдинги ўринга чиқиб қолди. Армия замонавий илмий-техника имкониятларига мувофиқ равишда ва совет жамияти демократияланишини ҳисобга олиб ислоҳ қилиниши керак.

Мудофаа комплекси гўё алоҳида мавқега эга, кўп маблағни ютиб юбормоқда, халқ хўжалигига кам самара беряпти, деган гаплар кўп бўляпти. Конверсия тўғрисидаги афсоналар ҳам юрибди, гўё конверсия мамлакатни қутқариб қолар эмиш, гўёки у бетартиб, катта нобудгарчиликлар билан ўтказилаётган эмиш.

Мудофаа тармоқларининг саноат потенциали мамлакатимиз умумий ишлаб чиқариш потенциалининг 6,4 фоизини ташкил этади ва халқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришга тобора кўпроқ ўтмоқда. Мана шу қимматли имкониятдан самаралироқ фойдаланиш зарур. Давлат меҳнаткашларнинг манфаатларини ишончли ҳимоя қилиши керак, деди нотиқ. Конверсия — мамлакат умумий тараққиётидан ажралган жараён эмас, иқтисодиётга хос бўлган барча салбий жиҳатлар объектив равишда унга таъсир қилмоқда.

Аслида конверсия — умумхалқ вазифаси, умуммиллий вазифадир. Ҳозирги вақтда давлат конверсия программаси лойиҳаси ишлаб чиқилди, у ҳукуматда кўриб чиқилди ҳамда Президентлик Кенгашига топширилди. Мудофаа тармоқларида тўпланган илмий потенциални сақлаб қолиш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилинмоқда. Чунки фанда пулни тежаш — ўзини келажакдан маҳрум қилишдир.

Нутқда амалга оширилган ишлар натижасида КПСС Марказий Комитети билан ҳукуматнинг янги техникани яратишга доир энг муҳим қарорларининг бажарилиши таъминланганлиги таъкидлаб ўтилди. Бу техниканинг қандай даражада эканлигини «Энергия — Буран» системалари, «МИГ-29», «СУ-27», «МРИЯ» самолётлари чет элда кўрсатилиши қандай фикр туғдирганидан ҳам билиб олиш мумкин.

Нотиқ қуролсизланиш соҳасида шерикларимиздан шунга мувофиқ ҳаракат қилишларига эришиш зарурлиги тўғрисида гапириб, КПСС Марказий Комитети Бош котибининг пухта ўйланган позицияси бу соҳадаги мувозанат бузилмаслигига ишонч бағишлашини таъкидлади.

КПСС Марказий Комитетида ишлаган вақтимда кабинетда ўтирмасликка ҳаракат қилдим. Ҳар қандай раҳбарнинг асосий бойлиги — одамлар билан алоқасидир, деб ҳисоблайман. Бундай алоқаларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштиришга доимо ҳаракат қиламан. Партия ходимининг, коммунистнинг энг муҳим бурчи ана шундай. Ижтимоий масалаларни ҳал қилишга ҳамиша катта эътибор бериб келдим. Мамлакат бўйлаб қилган кўплаб сафарларим давомида шундай хулосага келдимки, иқтисодий ислоҳотни ўтказишда изчилликнинг йўқлиги одамларни ташвишга солмоқда. Иқтисодиётни биз бошқариладиган бозорга ўтиш билан ўнглаб олмоқчи бўляпмиз. Мен бошқариладиган бозорни халқ фаровонлигини ошириш воситаси, маҳсулот ишлаб чиқарувчи эркинлигини истеъмолчининг ҳимояланиши, кўп укладлилик билан қўшиб олиб борилиши, деб тушунаман. Лекин бунга жўн бир масала деб қараш ярамайди, одамларнинг ижтимоий ҳимояланиши кафолатлари зарур.

Янгиланган КПСС ғоявий жипслиги билан кучли, ҳар бир коммунистнинг, барча меҳнаткашларнинг манфаатини маънавий, моддий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишга қодир бўлиши лозим. Партиянинг кучи — унинг омма билан алоқасида, инқилобий тафаккур ва умумбашарий орзулар вужудга келтираётган барча янгиликларни ўзига сингдира олишида, ҳар бир кишининг фикрини, камчиликни ташкил этувчиларнинг позициясини ҳурмат қилишдадир.

Олий сиёсий раҳбарият икки вакилининг ҳозирги ижтимоий-иқтисодий қийинчиликларнинг сабаблари, танг вазиятдан чиқиш йўллари ҳақидаги фикри съезд кўпгина делегатларининг қарашларига ҳар жиҳатдан мос келди деб бўлмайди. Минбарга кўтарилган Ўзбекистондаги металлургия заводининг директори **А. М. Анохин** гап яна устқурма ҳақида бораётганлигини, ишлаб чиқариш муносабатларини эса тубдан ўзгартириш лозимлигини таъкидлади. Ишчи мулк эгаси бўлиши лозим. Ана шунда балки ҳозир тракторлар ва комбайнларни беҳуда ишлаб чиқараётган тармоқларни истеъмолчиларга қаратиш мумкин бўлар.

Иқтисодчи олим **П. Г. Бунич** бозорга муқобил программаларнинг биронтасида ҳам ҳозирги тангликдан чиқишнинг аниқ йўллари кўрсатилмаганлигини уқтирди. Халқ олдига чиқиб сиёсий сафсатабозлик қилиш етар, деди у. Бизга бозор иқтисодиёти мавжуд бўлган мамлакатларнинг ҳаммаси ҳам бадавлат эмас, дейишмоқда. Эҳтимол шундайдир. Лекин иқтисодиёти буйруқбозликка асосланган биронта мамлакат ҳам бадавлат эмас — буни рад этиб бўлмайди. Халқ хўжалиги академиясининг проректори ҳукуматнинг бозор муносабатларига ўтиш режаларини танқид қилиб, иқтисодиётни тубдан қайта қуришга доир ўз программасини таклиф қилди. Шунингдек у бозорга ўтиш чоғида нархларнинг ортиши муқаррар нарса эмас, деган фикрни айтди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Давлат план комитетининг раиси **Ю. Д. Маслюков** тушунтириш учун сўз олиб, олимнинг баъзи далилларига шубҳа билдирди. Шундан кейиноқ бир неча делегат ҳукумат ва иқтисодий фан вакиллари яқиндан алоқа қилишларини талаб этиш ҳақидаги таклифлар билан президиумга хат йўлладилар. Уларнинг ҳозирги тарқоқлиги ишга катта зарар етказмоқда, деб ҳисоблашади хат муаллифлари. Айтмоқчи, залда ҳукуматга ишончсизлик билдиришга даъватлар бир неча бор янгради, лекин кўпчилик депутатлар бу таклифни рад этдилар.

Сўзга чиқиш учун ёзилганлар сони тезда кўпайиб борарди, шунга қарамай мажлис қатнашчилари раислик қилувчининг бир қанча муқобил нуқтаи назарларнинг муаллифларига навбатдан ташқари сўз бериш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватладилар. Москва давлат университетининг доценти **Г. К. Ребров** ўзининг концепцияси муқобил эмаслигини, балки КПСС XXVII съезди қарорларини изчиллик билан ривожлантиришдан иборатлигини, унинг ибораси билан айтганда, тушуниб бўлмайдиган сабабларга кўра мамлакатнинг сиёсий ва давлат раҳбарияти бу қарорлардан четга чиқиб кетганлигини таъкидлади. Ҳозир бўлганлар бир қисмининг қарсаклари остида у: социализмнинг сиёсий ва иқтисодий негизларини вайрон қилишга йўл қўймаймиз, деди. Москва давлат университетининг яна бир олими, съездга таклиф этилган **А. В. Бузгалин** «КПССдаги марксча дастур» тарафдорларининг ижтимоий-иқтисодий режаларини баён қилиб берди.

Кўпгина нотиқлар муаммоларга ўз муносабатларини касб манфаатлари орқали ифодаладилар. Чунончи, бир қанча корхоналарнинг директорлари солиқ тўғрисидаги янги қонун меҳнат жамоаларини хонавайрон қилиши тўғрисида гапирдилар. Соғлиқни сақлаш ва халқ таълимидаги вазият хусусида танқидий луқмалар айтилди. Ҳар ҳолда ортиқча пулни қандай қилиб «боғлаб қўйиш», меҳнат жамоалари мустақиллигини қандай кенгайтириш, меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимояланишини қандай таъминлаш лозимлиги каби бош масалалар мунозаранинг марказида бўлди. Ўз ишлари ҳақида ҳисоб беришга уринишлар ҳам бўлди, делегатлар бундай уринишларни қатъий рад этдилар.

Умуман муҳокама амалий ва ишчанлик тусида ўтди. Барча аниқ-равшан таклифлар, тавсиялар съезднинг тегишли резолюцияларини ишлаб чиқадиган комиссияларга тақдим этилади.

Бироқ, деб ёзишади пировардида ТАСС махсус мухбирлари Б. Гришченко ва Б. Шестаков, бевосита муҳокама қилинган масалага тааллуқли бўлмаган баъзи мулоҳазаларни айтмаслик мумкин эмас. Очиқлик, партия иши услубининг янгиланганлиги тўғрисида кўп гапирилаётганига қарамай, съездга келган талайгина журналистлар мажлислар залига зўр қийинчилик билан кирдилар. Нутқларнинг стенограммаларини олиш бундан ҳам қийинроқ бўлди, аммо заллар ва коридорларда аппаратнинг секциялар ишини таъминлаши лозим бўлган ўнлаб ходимлари ташвишли қиёфада юришарди.

* * *

«КПССнинг аграр сиёсати» секциясининг мажлисига съезднинг 843 делегати келди. Мажлисни Тула вилоятидаги «Новомосковское» агросаноат бирлашмасининг раиси **В. А. Стародубцев** бошқариб борди.

Муаммонинг муҳокамаси манфаатдорлик, баъзан эса ҳаддан ташқари эҳтиросли тусда бўлди. Бунинг сабаби тушунарли, чунки ҳар бир совет оиласида дастурхон мўл-кўлчилиги, халқ фаровонлиги аграр сиёсат бугунги куннинг эҳтиёжларини қанчалик реал ва тўла акс эттиришига боғлиқдир. Шундай умумий вазият вужудга келдики, умумий гапларни келтирган нотиқлар, шундай нотиқлар ҳам бўлди, тингловчиларнинг жим туриб «тушунишлари»га сазовор бўлмадилар. Мана шу рўй-рост гапда колхозлар ва совхозлардан келган партия аъзолари, фермерлар ва ижарачилар, қайта ишловчи корхоналар ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги вакиллари, олимлар, партия, совет ва хўжалик ходимлари қишлоқдаги партия ташкилотлари ишига жуда кўп эътибор бердилар. Аслида сўнгги йилларда халқ хўжалигининг бу тармоғида тўпланиб қолган барча масалаларни қамраб олдилар. Тилга олинган муаммолар муаллақ қолмади. Улар ана шу муаммоларни ҳал этишга дахлдор бўлган марказий министрликлар ва идораларнинг секцияга таклиф этилган вакилларига ҳавола қилинди. Бурятия АССР Еравное районидаги «Коммунизм» колхозининг раисаси **Л. Д. Цибикжапова** қишлоқдаги ҳозирги аҳволни ва унга муносабатни жуда аниқ ифодалаб берди. Марказий Комитетнинг сиёсий ҳисоботида аграр муаммолар ўткир қилиб қўйилаётганлигини эшитиш жуда қувончли бўлди, деб таъкидлади у. Бу тасодифий эмас. Биз қишлоқ хўжалигининг етилган ва етилиб ўтиб кетган эҳтиёжларига, яхшими-ёмонми, ҳар ҳолда мамлакатни тўйдираётган қишлоқ одамларига муносабатни тубдан ўзгартириш тўғрисида ҳукумат кўпгина яхши қарорлар қабул қилганининг гувоҳимиз. Аммо ана шу қарорлар қабул қилингандан кейин на ҳукумат даражасида, на жумҳурият ва маҳаллий органлар даражасида жиддий амалий иш олиб борилди. Ҳолбуки, бу тармоқдаги аҳвол мутлақо ўзгармаяпти. Бунинг устига долзарб вазифалар орқага суриб қўйилмоқда ва бу билан чуқур тангликнинг реал хавфи вужудга келтирилмоқда.

Иқтисодиётнинг аграр секторини устун даражада ривожлантиришни жамиятнинг барча табақалари қўллаб-қувватламоқда, лекин бу оғизда қолиб кетяпти. Қишлоқ ва қайта ишловчи саноатнинг моддий-техника базаси йўлга қўйилмаяпти ва мустаҳкамланмаяпти, колхозларга ва совхозларга келтирилаётган қишлоқ хўжалик техникасининг сифати паст. Буларнинг ҳаммаси ишлаб чиқаришга салбий таъсир қилмоқда.

Шу муносабат билан кўпгина нотиқлар аграр секторни техника билан қайта қуроллантириш, ишлаб чиқаришни янги технологияларга ўтказиш, уни самарали машиналар ва ускуналар билан жиҳозлаш зарурлиги тўғрисида гапирдилар. Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги монополиясини тугатиш, техникани ясаш ва ишлаб чиқаришда бир-бирига рақобот қиладиган заводлар ва бирлашмаларни ташкил этиш тўғрисида таклифлар киритилди.

Бу таклифларни Хоразм вилоятининг Хива районидаги Ленин номли колхоз раиси **Р. Отажонов**, Латвия ССР Огре районидаги «Мадлиена» совхозининг директори **Ю. А. Белявниекс** ва бошқалар қўллаб-қувватладилар. Улар шаҳар билан қишлоқ ўртасида тенгсиз айирбош этиш ҳамон сақланиб қолаётгани ҳақида ҳам гапирдилар. Техника, ёнилғи-мойлаш ва бинокорлик материаллари, ўғит нархи муттасил ошиб боряпти. Бунинг устига тракторлар, автомобиллар, дон комбайнлари ҳамда озуқа экинларини йиғиштириб оладиган комбайнлар, эҳтиёт қисмлар ва бошқа ресурсларни етказиб бериш камайиб кетмоқда.

Қишлоқни ижтимоий жиҳатдан обод қилиш муаммоси ҳамон ўткир бўлиб турибди, қишлоқ меҳнатчиси меҳнатининг обрўси тушиб кетмоқда, кадрларнинг кетиб қолиши давом этяпти. Агар бунга қишлоқ ҳамон пухта ўйланмаган, иқтисодий жиҳатдан ҳисоблаб чиқилмаган янгиликларни синаб кўришнинг жазосиз қолиш маъносида энг яхши майдони бўлиб хизмат қилаётганлигини қўшадиган бўлсак, раҳбарлар ва мутахассислар қандайдир асосли, истиқболли режаларни танлаб олишлари нақадар қийинлиги равшан бўлади.

Кўпгина нотиқлар, жумладан Гродно вилоят кенгашининг раиси **А. И. Дубко** очиғини айтишди: ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг узоқ муддатга мўлжалланган ва илмий жиҳатдан асосланган режалари йўқ.

Шошма-шошарлик билан, айрим ҳолларда эса тармоқ учун ортиқча харажат қилишга олиб келадиган қарорларнинг қабул қилинаётганлиги ҳам ташвишлидир. Чунончи, мулкчиликнинг барча шакли учун бир хил шароит яратиш мақсадида солиқ тўғрисидаги янги қонунга биноан хонавайрон бўлган колхозлар солиқ солиш жиҳатидан халқ хўжалигининг бошқа барча тармоқларига тенглаштирилмоқда. Буни адолатли, деб бўладими ахир?

Иқтисодиётнинг аграр соҳасидаги танг ҳолатларни бартараф этиш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоқларини давлатнинг қудратли молиявий ва моддий мадади негизида устун даражада ривожлантиришни реал таъминлаш, ер ислоҳотини амалга ошириш, қишлоқ тараққиётининг янги йўлга чиқиб олиши юзасидан изчил ва катта тадбирлар кўрилиши керак.

Бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш давридаёқ янги нарх воситаларидан, имтиёзли солиқлар системаларидан, пул билан таъминлаш, қарз бериш ҳамда бошқа иқтисодий воситалардан фойдаланиб озиқ-овқат билан таъминлашнинг давлат программасини амалга ошириш таклиф қилинди. Делегатлар тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтишни кечиктирмаслик учун агросаноат комплексидаги хўжаликлар ва корхоналарнинг ссудаларига доир қарзларини кечиб юбориш тўғрисида таклиф киритдилар.

Делегатлар агросаноат комплексини моддий-техника билан таъминлашнинг СССР Давлат моддий-техника таъминоти комитети ташкилотлари бинокорлик материалларини, техникани, машина-ускуналарни ва бошқа моддий-техника ресурсларини колхозлар, совхозлар, агросаноат комплексининг бошқа корхоналари ва ташкилотлари буюртмаларига мувофиқ биринчи навбатда берадиган тартибни ўрнатишни таклиф қилдилар. Бу вазифани ҳал этишга барча қурилиш ташкилотларининг, шаҳарлар ва саноат марказларининг, бутун мамлакатнинг куч ва маблағларини кенг жалб этиш лозим бўлур эди.

Агросаноат соҳасидаги иқтисодий муносабатлар чуқур таҳлил қилиб берилди. Кўпгина хўжаликлар ва корхоналарнинг қийин молиявий аҳволга тушиб қолганлиги таъкидланди. Мамлакатда кредит бериш, солиқ солиш ва суғурта системаси яхши йўлга қўйилмаганлиги сабабли ана шундай аҳвол юз берди. Тенг нархлар воситаси йўқ. Могилов вилояти Бобруйск районидаги Ф. Э. Дзержинский номли колхоз раиси **А. З. Рубанов** бу хусусда яққол мисол келтирди. Жумҳурият хўжаликлари йилига тахминан 900 миллион сўмлик маҳсулот етиштирадилар. Ана шу маҳсулотни етиштириш учун техника, ёнилғи, эҳтиёт қисмлар ва бошқа моддий-техника ресурсларини сотиб олиш учун уларга йилига бундан деярли икки баравар кўп пул керак.

Латвия ССР Даугавпилс районидаги «Мирний» совхози агрокомбинатининг бош директори **Л. К. Куцан**нинг фикрича, қишлоқ бундан буён ҳам хонавайрон бўлмаслиги учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид нархларини ошириш, техника, ёнилғи, ўғит ва бошқа ресурсларнинг нархларини эса ўзгартирмай сақлаб туриш керак.

Кўп таклифлар киритилди. Псков вилоятидаги «Полоное» совхозининг директори **Л. Е. Кострица,** КПСС Куйбишев вилоят комитетининг котиби **И. П. Шелкаев,** Винница вилоятидаги «Дружба» колхозининг раиси **В. Ф. Вельчинский,** Доғистон АССРдаги Оржоникидзе номли колхоз раиси **М. А. Чартаев,** Чита вилоятининг Балей районидаги «Ундинский» совхозининг директори **А. А. Ваулин** хўжалик юритишнинг турли шаклларини жорий этишда табақалаштирилган ҳолда ёндашиш зарурлиги тўғрисида гапирдилар.

Айрим регионларда колхозлар ва совхозлар, бошқаларида — агрофирмалар ва комбинатлар яхши ишламоқда, учинчиларида — ижара ривожланмоқда ва фермер хўжалиги мустаҳкамланмоқда. Уларнинг хўжалик жиҳатидан тўла мустақиллигини, тенг ҳуқуқлари ва имкониятларини таъминлаш, уларни қўллаб-қувватлашнинг давлат программасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, ишлаб чиқариш фаолиятига ҳар қандай аралашишни истисно этиш муҳимдир. Бундай факт ҳам таъкидлаб ўтилди: ижарачи коллектив барча зарур нарсалар билан таъминланиши учун давлат

(Давоми тўртинчи бетда).

ПАРТИЯ, МАМЛАКАТ, ҚАЙТА ҚУРИШ ТАҚДИРИ ТАШВИШИДА

(Давоми. Боши биринчи, иккинчи ва учинчи бетларда).

зиммасига ҳеч қандай масъулият юкланмаган. Шу сабабли улар моддий-техника таъминотининг барча масалалари юзасидан колхозга ёки совхозга мурожаат қиладилар. Бундай муаммолар эса хўжаликларнинг ўзида етарлидир, улар ўзлари қашшоқларча кун кечирмоқда. Раҳбарлар эса: ижарани ривожлантиришга тўсқинлик қиляпсизлар, дейишади.

Бутун агросаноат комплекси учун долзарб бўлган муаммо — қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини назорат этишга эътибор қаратилди. Қишлоқнинг ижтимоий жиҳатдан ривожлантирилишини, қишлоқда тўлақонли маънавий ҳаёт тикланишини, одамларни, айниқса ёшларни қишлоқда яшашга ва меҳнат қилишга жалб этадиган маданий-маиший шароит яратишни қаттиқ назорат остига олиш керак.

Делегатлардан бири ўткир, лекин адолатли гапирди: фан бўлмаса, қишлоқ ҳеч нарса эмас. Бунга кўп мисоллар келтирилган. Аҳволдан чиқиш йўллари кўрсатиб берилган. Бу йўлларнинг энг муҳимлари — илмий жамоаларнинг фаровонлигини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг аҳволига боғлиқ қилиб қўйишдир. Шундай қилинса, илмий ишланмалар ҳам пайдо бўлади ва улар далаларда ҳамда фермаларда кенг жорий этилади.

Нутқларда яна бир муҳим фикр айтилди: агросаноат комплексида СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги тугатилиб, унинг бошқарув ва бошқа вазифалари қолмагандан кейин аҳвол тағин ҳам чигаллашди. Делегатлар аграрчи халқ депутатларининг иттифоқ даражасида агросаноат ишлаб чиқаришини бошқаришнинг самарали структурасини тузиш зарурлиги тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватладилар.

Секция мажлиси президиумига делегат Ю. Д. Черниченконинг сўзга чиқиши таклиф қилинган хатлар тушади. Буни зал маъқуллаб кутиб олди, чунки оммавий ахборот воситаларида, радиоэшиттириш ва телекўрсатувларда баъзи пухта ўйланмаган мақолалар ва эшиттиришлар, шу жумладан СССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети шарҳловчиси Ю. Д. Черниченконинг материаллари тармоқ муаммоларини ҳал қилишга салбий таъсир этаётгани ҳақида кун давомида бир неча бор эътирозлар айтилган эди.

Мажлисда сўзга чиққан **Ю. Д. Черниченко,** жумладан, бундай деди: иқтисодий ислоҳотдан кейин мамлакатимиз буғдой, зиғир, пахта ва бошқа маҳсулотларни четга чиқарадиган бўлиб қолишига ишончим комил. Қишлоқ хўжалиги давлат хазинасига шубҳасиз фойда келтиради. Делегат ўзининг матбуотдаги чиқишларига қўшилмаган кишиларни ўша воситалардан фойдаланишга чақирди: унинг мақолалари ошкора, оммавий ахборот каналлари орқали танқид қилиниши керак.

Секция иши давомида делегатлар олдида КПСС Марказий Комитети аграр бўлимининг мудири **И. И. Скиба**, РСФСР Министрлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари **Е. И. Сизенко,** СССР Автомобиль ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министри **Н. А. Пугин,** СССР Министрлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, СССР Давлат моддий-техника таъминоти комитетининг раиси **П. И. Мостовой,** давлат агрохимия уюшмаси бошқарувининг раиси **Н. М. Ольшанский** сўзга чиқдилар. Улар жуда кўп саволларга жавоб қайтардилар.

Мажлис охирида **М. С. Горбачев, Н. И. Рижков, Е. К. Лигачев** сўзга чиқдилар ва делегатларнинг саволларига жавоб бердилар.

* * *

«Партия, советлар, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар» секциясининг иши СССР Олий Советининг палаталарининг мажлислар залида ўтди. Уни **А. И. Лукьянов** очди. Партиявий мунозара одатда шу мажлисда бўладиган парламентдаги баҳсларнинг кўпгина мавзуларини ҳам қамраб олди. Чунки бу йиғинда гап кўп партиявийлик ва советлар ҳокимиятини мустаҳкамлаш шароитида Компартиянинг совет ҳокимияти органлари ва турли жамоат ташкилотлари билан ҳамжиҳатлигининг долзарб ва анча мураккаб муаммоси хусусида борди.

Бу масалалар партия раҳбарларининг нутқларида ҳам кўтарилди. Мажлиснинг ўзи ҳам ана шу нутқлардан бошланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига номзод **А. В. Власов** съезд делегатлари олдидаги ҳисоботни партия турмушини демократиялаш жараёнида ҳақиқатан ҳам рўёбга чиқаётган омиллардан бири деб баҳолади. Бу, аввало, коммунистлар ўртасидаги муносабатларда мансабу амалга қараб ёндашувга барҳам бериш, партия аъзоларини буйруқ берувчилар ва ижрочиларга ажратишдан воз кечишдир.

Нотиқ сўнгги вақтда КПССнинг сиёсий раҳбарияти шанига, жумладан, шу раҳбариятдаги шахслар шанига танқид анча кучайиб бораётганлигини таъкидлаб, хатолар ва нуқсонлар учун Сиёсий бюро аъзолигига номзодлар ҳам жавобгардирлар, албатта, деб эътироф этди. Кўпгина принципиал масалалар хусусида Сиёсий бюрода ўткир мунозаралар бўлиб турди, кимгадир камчилик орасида бўлишга тўғри келди. Март Пленуми арафасида, янги аграр сиёсатни ишлаб чиқиш чоғида принципиал негизда бирлашиш учун КПСС Марказий Комитетининг очиқ хати лойиҳасини кўриб чиқиш вақтида, масалан, ана шундай бўлган эди. Мен ва мажлиснинг айрим бошқа қатнашчилари шу масала хусусида партия Марказий Комитетининг Пленумини ўтказиш зарур деб ҳисобладик. Лекин бизнинг позициямизни кўпчилик қўллаб-қувватламади. Аммо ҳаёт шуни кўрсатдики, бундай масалаларни эндиликда директив хатлар билан ҳал этиш яроқсиз бўлиб қолди.

Ушбу мисол билан шуни таъкидламоқчиманки, деб изоҳ берди нотиқ, ўз нуқтаи назаримни ҳамиша ҳам далил-исботлар билан ишонарли ҳимоя қилганим йўқ, жумҳуриятнинг раҳбарларидан бири сифатида ҳамиша ҳам ўз зиммамга масъулият олганим йўқ. Нутқ сўзлаш ёки хат ёзиш масалани ҳал этиш эмас, энг асосийси — масалани ҳал этишнинг йўлини топиш, ғояни мантиқий жиҳатдан ниҳоясига етказишдир. Менинг олдимда Россия Федерациясининг манфаатлари ва ўзига хос хусусиятларини тўлароқ ҳисобга олишдек вазифа турар эди. Сиёсий бюро аъзолигига номзод этиб сайланишимнинг ўзини ҳам Министрлар Совети Раиси лавозимига тайинланиш билан боғлайман. Мен бу лавозимда бир ярим йил ишладим. Шу даврда ҳокимият вазифаларини партиядан советларга беришдек фаол жараён бошланди. Худди ана шу даврда Россиянинг ўрни ва роли, унинг суверенитети тўғрисидаги масала ўткир бўлиб қолди.

Жумҳурият ҳукумати иқтисодий таҳлил негизида жойларда, миллий мухториятларда ишларни ўрганиб чиқиб, партия Марказий Комитетига аниқ-равшан таклифни тақдим этди ва биринчи бор Россия муаммолари Марказий Комитетнинг сентябрь Пленуми материалларида акс этди. Бу бурилиш палласи бўлган эди. Аммо биз кўпгина масалаларни кечикиб тайёрладик, деб давом этди нотиқ. Улар етарлича ўткир бўлмади. Бу гап жумҳуриятнинг бошқарув органларини, жумҳуриятнинг ахборот системасини (амалда бундай системанинг ўзи йўқ эди), Россия Фанлар академиясини, Ички ишлар министрлигини, Миллий масалалар давлат комитетини тузишга дахлдордир. Шу билан бир қаторда иқтисодий суверенитет концепцияси ишлаб чиқилиб, бир қанча ҳудудларни бошқарувнинг янги принципларига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган, Россия Федерациясининг суверенитети ҳақидаги декларацияни ҳамда халқ депутатларининг 1 съездида қабул қилинган бошқа бир қанча ҳужжатларни эълон қилиш учун замин ҳозирланган эди.

Ўтиш даври шароитларида Сиёсий бюронинг ёрдамида бошқа пайсалга солиб бўлмайдиган муаммолар ҳам ҳал этилди. Аммо эътироф этиш керакки, жумҳурият иқтисодиётидаги салбий тенденцияларни бартараф этишга муваффақ бўлинмади. Ижтимоий соҳа ва бошқа соҳалардаги вазиятни тубдан ўзгартира олмадик ва мен бу масалаларни Сиёсий бюро, Марказий Комитет, иттифоқ органларига яна ҳам ўткир қилиб қўйиш учун барча мавжуд имкониятлардан фойдаланмадим.

Нотиқ сиёсий ислоҳот, партия ва совет ҳокимияти вазифаларини ажратиб олиш масалаларига батафсил тўхталиб, таассуф билан шуни тан олдики, бу иш бир текисда бўлмади, партия хўжалик юмушларини ижроия комитетларга берди. Советлар эса ҳали бунга шай бўлмай қолдилар. Мен совет органлари иши билан бевосита боғланган киши сифатида кўпроқ ташаббус, изчилик кўрсатишим керак эди чоғи, дарҳақиқат, умуман Сиёсий бюро ҳам бу масалаларда етарлича фаол позицияда тургани йўқ.

Халқ ҳокимияти дастурини созлаш учун ҳали кўп иш қилиш керак. Коммунистик партия бу борада салмоқли сўзини айтиши лозим.

Ҳисобот учун сўз КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига номзод, СССР Олий Советининг Раиси **А. И. Лукьянов**га берилади. Сиёсий бюронинг топшириғига кўра мен асосан сиёсий системанинг ислоҳотини тайёрлаш ва амалга ошириш масалалари билан шуғулландим, деди у. XIX партия конференциясига тайёргарлик даври айниқса қизиқарли ва самарали бўлди. Шундан кейин бу анжуман қарорларини бажариш учун кўп куч-ғайрат сарфланди. Сиёсий ислоҳот, бошқа ҳар қандай жиддий ислоҳот сингари кўпчиликнинг ишидир, албатта. Ва мен мамлакат сиёсий раҳбариятининг аъзоси сифатида қилинган ишлар учун ҳам, қилинмаган ишлар учун ҳам умумий масъулият улушини ўз зиммамга оламан.

Конституцияни ўзгартириш, янги сайлов системасини таркиб топтириш, суд-ҳуқуқий ислоҳотининг концепциясини ишлаб чиқиш, ҳуқуқ муҳофазаси органлари ишини такомиллаштириш, давлат ва сиёсий муассасалар самарадорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни тайёрлашда қатнашдим. Сўнгги вақтда эса, табиийки, Олий Советдаги иш асосий вақтни олмоқда.

СССР халқ депутатларининг уч съезди ва мамлакат Олий Советининг уч сессияси тажрибасига, Россия халқ депутатларининг ва иттифоқдош жумҳуриятлар парламентларининг биринчи съезди, бошқа даражалардаги Советларнинг тажрибасига бизда турлича баҳо бермоқдалар. Аммо ҳар қалай ҳозир жамиятимиз ҳолатини ҳеч ким Советларчалик тўла ва кўламли акс эттираётгани йўқ.

Парламент ишини ташкил этиш (парламентимиз эса борган сари тажрибалироқ, борган сари омилкорроқ бўлиб бормоқда) жуда қийиндир, деб таъкидлади нотиқ. Ҳозир барча депутатлар сабоқ олишмоқда. Улар билан биргаликда мен ҳам аввало Олий Советда ишлаб турган турли ижтимоий, сиёсий, миллий, профессионал гуруҳлар, ҳаракатлар ва блокларнинг биргаликда ҳаракат қилишини таъминлашни ўрганмоқдаман. Аммо умуман қилинган ишга танқидий баҳо бераман. Кўп юмушларни яна ҳам яхшироқ, яна ҳам самаралироқ ҳал қилиш, амалга ошириш мумкин бўлур эди, деб ҳисоблайман. Ҳозир КПСС сиёсий фикрларнинг хилма-хиллиги ва кўп партиявийликнинг қалин қатламларига кириб бормоқда. Партия учун бу кўп жиҳатдан янги муҳитдир. Ана шундай шароитларда коммунистларнинг ташкилий ва ғоявий жипслиги ўсиб бормаганлиги, худди шундай муҳитда марказ билан маҳаллий партия комитетлари ўртасида муайян узилиш пайдо бўлганлиги— Марказий Комитет ва унинг Сиёсий бюроси ишидаги асосий камчиликдир.

Мамлакатдаги танг аҳволни бартараф этиш учун, деб таъкидлади нотиқ, халқ ҳокимиятини ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш, барча даражалардаги халқ депутатлари Советларини имкони борича тезроқ номигагина ишлайдиган идоралардан ҳақиқатан ҳам ишлайдиган идораларга айлантириш керак. Шу мақсадда, нотиқнинг фикрича, биринчидан, ҳозирги Советларнинг демократик имкониятларидан имкони борича тўла фойдаланиши керак. Ушбу Советларга эса ўз сайловчиларининг ишончли, қадрига етадиган ва ишлашга шай бўлиб турган юз минглаб жонкуяр, фаол кишилар келди. Иккинчидан, Советлар иложи борича тезроқ янги иқтисодий ваколатларни ва ташкилий имкониятларни ўзлаштириб олишлари, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш юзасидан ишни авж олдириб юборишлари керак. Қонунларнинг ижро этилмаётганлиги, назоратнинг, жумладан парламент назоратининг омиллари ва воситалари йўқлиги қайта қуриш бошига тушган офат бўлди. Нотиқ шу муносабат билан СССР Олий Совети шанига қилинаётган танқид адолатлидир, деб эътироф этди. Учинчидан, янги ваколатли органлар ва улар президиумларининг ижроия органлари билан ўзаро муносабатлари воситасини ишга солишни жадаллаштириш лозим бўлади. Кучли ижроия комитет билан биргаликда ҳаракат қилаётган Советгина ҳақиқатан ҳам кучли Совет бўлиши мумкин. Ҳокимият ва бошқарувнинг ҳар бир бўғини масъулиятни ҳис этиб, ўз иши билан машғул бўлган ва шу иш учун батамом жавоб бераётган Советгина кучли бўлиши мумкин.

Бизнинг сиёсий муассасаларимиз, Советлар, бошқа давлат органлари теран янгиланаётганлиги Коммунистик партиянинг Совет давлатидаги ўрни ва роли муаммосига бевосита дахлдордир. Замонавий сиёсий вазиятнинг равнақи КПССнинг фақат парламент партиясига айланиши имкониятини мустасно этади, деган нуқтаи назарни нотиқ қўллаб-қувватлади. Аммо айни вақтда партия сайловолди курашининг ҳам, парламентдаги актив ишнинг ҳам жўн бўлмаган сабоғини қунт билан ўзлаштириши керак.

Нотиқ КПССнинг янги Устави лойиҳасида Советларда коммунистларнинг гуруҳлари ва фракцияларини тузиш тўғрисида таклиф этилаётган нормаларни ўз вақтидаги нормалар деб атади. Булар ўз ишида тегишли партия комитетларининг йўлини ўтказадилар. У съездда ёки янгидан сайланган партия Марказий Комитетининг шу яқин орадаги пленумларидан бирида КПССнинг Советлар тўла ҳокимиятини таъминлаш юзасидан иши тўғрисида махсус қарор қабул қилишни ҳам таклиф этди.

Манфий заряд билан бир қаторда мусбат заряд бўлган тақдирдагина энергия пайдо бўлади, — мажлис чоғида айтилган бу фикр бўлиб ўтган мунозаранинг моҳиятини кўп жиҳатдан акс эттирди. Бу ўринда гап сиёсий системани ислоҳ этиш жараёни ҳақида борди. Бу жараён съезд делегатларини ташвишга солиб турган салбий ҳодисалар билан бир қаторда умид бахш этадиган ижобий жиҳатларни ҳам рўёбга чиқарди.

Барчанинг эътироф этишича, КПСС билан Советларнинг ўзаро муносабатлари ҳозирги кундаги асосий муаммодир. Жамиятда, гўё партия советларга раҳбарлик қилади, деган эски тасаввурлар ҳали ҳам барҳаётдир, деб таъкидланди. Аслида муаммо шундаки, партия советларни бошқаришни тўхтатди, Советлар эса бошқарув вазифаларини сира эгаллай ололмаяптилар. Баъзан эса улар митинглар гирдобида ўралашиб қолмоқдалар. Бошқа фикр ҳам бор: янги Советларнинг қарор топишидаги яхши тажриба дурустроқ ташвиқот қилинмаяпти ва шунинг учун ҳам Советлар ҳокимиятни ололмаяпти, демоқдалар. Депутатлар маҳаллий Совет даражасида ҳокимият структурасини ўзлари танлаб олишда марказдан кўрсатмалар кутиб ўтирмасликлари керак.

Ҳозирги Советларнинг демократик имкониятларидан, фикрларнинг сиёсий хилма-хиллиги замиридаги ижобий омилдан имкони борча тўлароқ фойдаланиш, айни вақтда ўша фикрларнинг хилма-хиллиги юзага чиқараётган кескинлик майдонини торайтириб бораверишлозим, деган даъватлар янгради. Блоклар ўртасидаги кураш эмас, иш манфаатлари устун келганлигига оид фактлар тилга олинди.

Кўпгина партия ташкилотларидаги сурункали сусткашлик, воқеалар таҳлил этилмаётгани, жозибадор ғояларнинг йўқлиги ва салбий ҳодисаларнинг олди олиниб, чоралар кўрилмаётгани кўпгина коммунистларни ташвишлантирмоқда. Коммунистларнинг бошқа ижтимоий кучлар ва оқимлар билан ўзаро алоқаси заиф эканлиги таъкидланди. Тилга олинган мисоллар шундан далолат бериб турибдики, бир-бирига пешвоз чиқиш, бир-бирига қараб ҳаракат қилиш бегонасирашдан, баъзан эса тўғридан-тўғри мухолифликка нисбатан самаралидир

КПСС Марказий Комитети ҳузурида тузилган ижтимоий-сиёсий ташкилотлар билан ишлаш бўлими, ҳойнаҳой, ҳозирги босқичда алоҳида аҳамият касб этар. Аммо ўринли бир савол туғилади: бу иш жойларда қай таҳлитда йўлга қўйилади? Ана шундай фаолият партия комитетлари куч-ғайратларининг моҳияти бўлиб турганлиги аён-ку, ахир. Қуйидаги фикр ҳам айтилди: КПСС ниҳоят карахтликдан чиқиб, бошқа ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар муваффақиятли тарзда синовдан ўтказган таъсир кўрсатишнинг ижобий усуллари ва воситаларига баҳо берди ва сўнгра уларни дадил қурол қилиб олди. Айни вақтда ижтимоий онгга таъсир ўтказишнинг номақбул, найрангбозлик усулларига қарши, ажралиб чиқишга даъват, миллатчилик ғоялари уруғини сочиш, автаркизм, маҳаллийчиликка қарши курашиш керак, деб уқтирилди. Дарҳол партиялар тўғрисида қонун қабул қилиш, турли гуруҳлар, оқимлар, партиялар вакилларидан иборат тангликка қарши кураш комитети тузиш лозим. Ижтимоий гуруҳлар манфаатларининг муқаррар тўқнашуви олдини олиш учун ақлидрок ва одоб билан иш олиб бориш керак.

СССР адлия министри **В. Ф. Яковлев,** Уруш, меҳнат ва Қуролли Кучлар ветеранлари Бутуниттифоқ кенгашининг раиси **Н. В. Огарков,** Латвия Компартияси Марказий Комитетининг секретари **А. П. Клауцен,** Москва Совети раисининг ўринбосари **С. Б. Станкевич,** Иркутск университетининг доценти **В. И. Дятлов,** Ленинград шаҳар Советининг раиси **А. А. Собчак,** КПСС Людиново шаҳар комитетининг биринчи секретари **Л. А. Михальчук,** Ўзбекистон КП Бухоро область комитетининг иккинчи секретари **Ю. М. Сажнев,** Онега шаҳар Совети раиси **А. Е. Поликарпов** ва бошқа нотиқлар муҳокама қилинаётган муаммони турлича таҳлил этдилар. Уни ҳал этиш хусусида ўз фикрларини айтдилар. Лекин асосий масалада ҳамма якдил фикр билдирди: КПСС ташкилий ва ижодий боши берк кўчадан тезроқ чиқиб олиши, ғайрат-шижоат ва фаоллик билан, бошқа ижтимоий, сиёсий тузилмалар билан тотувликда жамиятдаги вазиятни барқарорлаштиришга эришиши лозим.

* * *

«КПССнинг миллий сиёсати» секцияси мажлисида ўткир муаммолар жуда ташвишланиб ва айни вақтда вазминлик билан муҳокама қилинди.

КПСС Марказий Комитетининг секретарлари А. Н. Гиренко ва Г. И. Усмонов мажлис аҳли олдида ҳисоб бердилар.

Миллатлараро муносабатларнинг жиддий муаммоларини ҳозирги вақтда етарлича ташкилий ва илмий жиҳатдан назардан ўтказмай, мутахассислар билан биргаликда муҳокама қилмай, самарали ҳал этиш мумкин эмас, деди ўз нутқида КПСС Марказий Комитетининг секретари **А. Н. Гиренко.** Миллий муносабатлар Бутуниттифоқ илмий-тадқиқот институтини очиш ҳозирги вақтда зарур деб топилди.

Ҳар бир халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши ҳуқуқини сира-сира шубҳа остига қўймаган ҳолда эътиқод билан бундай деди: бу ҳолда, албатта, ҳар бир жумҳуриятнинг суверен ҳуқуқларини ҳурмат қилиш принципларига риоя этиш, пайдо бўлаётган муаммоларни ҳал қилиш, зиддиятларни фақат қонун доирасида бартараф этиш керак.

Таҳлил шундан далолат бериб турибдики, турли даражалар, турли идоралар ва раҳбарлар томонидан, жумладан, афсуски, партия органлари томонидан ҳам партиянинг миллий масаладаги сиёсий йўлидан чекинишларга йўл қўйилган жойда муаммолар тўпланиб қолаверади ва можаролар юзага келади. Нотиқ миллатлараро муносабатларда ўз вақтида кескинликни бартараф этиш ва зиддиятларга чек қўйишда жумҳуриятлар раҳбарларининг масъулиятини кўрсатиб ўтди. Бундан марказ СССР ҳар бир фуқаросининг ҳуқуқлари, ор-номуси ва қадр-қимматини муҳофаза этишнинг кафолати бўлмай қоладида, деган маъно чиқмайди, албатта. Аммо шу ҳам батамом аёнки, ҳар гал маҳаллий можаро чиққанида Иттифоқ идораларига умид билан кўз тикиш, сўнгги вақтда жуда кўп гапирилаётган ўша мустақилликни камситиш бўлур эди. Ҳар бир жумҳурият ўз бағрида яшаётган кам сонли миллатларни муҳофаза этиш йўлини топмас экан, давлатда тинчлик-омонлик бўлмайди.

Нотиқ СССР халқларининг ҳам, иттифоқимиздаги миллий-давлат тузилмаларининг ҳам ўзаро муносабатларининг турли жиҳатларига бевосита дахлдор қонунлар ҳақида гапирар экан, мазкур қонунлар миллий муаммоларнинг бутун мажмуини қамраб ололмаслиги хусусида ташвишланаётганлигини айтди. Ўзининг миллий-давлат тузилмаларидан нарида яшаётган ёки шундай тузилмаларга эга бўлмаган одамларнинг фуқаролик ҳуқуқларини муҳофаза этиш керак. Мамлакатда қарийб 60 миллион ана шундай одам бор. Бу борада ҳозирдаёқ айрим тадбирлар кўрилди. Миллий уюшмалар, турли миллий-маданий жамиятлар ва бирлашмалар ташкил этилмоқда

Демократик, икки-уч ва бундан ҳам кўпроқ номзодлар кўрсатиб сайлов ўтказиш шароитида барча даражалардаги Советларда ҳатто асли шу ерлик миллатнинг вакиллиги ҳам бир қанча ҳолларда анча камайди. Нотиқнинг фикрича, жумҳуриятлар, шунингдек таркибида автономиялар бўлган ўлкалар ва вилоятлар ёки территорияларида турли миллатларга мансуб кишилар гуруҳи яшаётган юқорида номлари зикр этилган тузилмалар икки палатали Россия парламенти иш практикасига синчков назар солишлари ва келажакда жумҳуриятларда ҳамда халқ депутатларининг маҳаллий Советларида миллатлар ишларига оид структуралар тузишлари керак. Ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотнинг, ҳуқуқий давлат бунёд этиш ислоҳотининг тезроқ олға босиши учун, жиноятчиликка, жумладан, миллатлараро кескинликдан фойдаланиб, текинхўрлик қилаётган уюшган жиноятчиликка қарши чиқишга қодир бўлган ҳуқуқ муҳофазаси органларида Иттифоқ, умумдавлат структураларини тузиш устида фаолроқ иш олиб бориш керак.

Пировардида КПСС Марказий Комитетининг секретари иттифоқдош жумҳуриятлар Компартиялари фаолиятидаги ҳар қандай миллий ўзига хосликни ҳар жиҳатдан инобатга олганида ҳам КПСС ўзининг байналмилал руҳидан маҳрум бўлиб қолмаслиги керак, деб таъкидлади. Акс ҳолда бу Коммунистик партия бўлмайди, бошқа партия бўлиб қолади. Миллий сиёсат умумдавлат аҳамиятига молик бўлиб, барча даражалардаги партия ва ҳукумат органлари, ҳар бир коммунистнинг куч-ғайрати шу вазифани ҳал этишга бўйсундирилиши керак.

(ТАСС).

(Давоми келгуси сонда).

ОБЛИГАЦИЯЛАРИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ

1982 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЕМИ

68-ТИРАЖИНИНГ РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

ТИРАЖ 1990 ЙИЛ 30 ИЮНДА СЕВАСТОПОЛЬ ШАҲРИДА ЎЙНАЛДИ

Заёмнинг қирқ саккиз разрядидаги серия ва облигациялар нинг қуйидаги номерларига ютуқлар чиқди.

серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)
200255	033*)	2500	234697	034*)	1000	273611	024*)	500
201430	072*)	1000	235240	058*)	500	273617	1—100	250
201450	079*)	500	235730	1—100	250	273944	1—100	250
201464	1—100	100	235787	005*)	1000	274707	085*)	1000
202824	1—100	100	236547	1—100	100	274738	059*)	500
203560	095*)	500	237099	065*)	500	275407	1—100	100
203744	1—100	100	237493	009*)	500	275459	007*)	500
204298	076*)	1000	240173	095*)	5000	276676	1—100	250
204392	044*)	1000	240382	018*)	500	276901	009*)	500
204530	006*)	500	240851	012*)	500	277350	090*)	500
205968	082*)	500	241971	1—100	100	277360	1—100	100
206206	022*)	1000	242834	1—100	250	277402	1—100	250
206395	063*)	2500	243029	051*)	1000	277488	097*)	500
207002	063*)	1000	243719	1—100	100	277852	1—100	250
207599	070*)	500	244807	1—100	100	277894	075*)	500
209133	091*)	1000	245011	050*)	1000	278226	063*)	1000
209859	096*)	2500	245216	063*)	1000	280144	041*)	2500
209952	1—100	100	245280	038*)	2500	280564	049*)	500
210180	038*)	5000	245823	060*)	500	280969	1—100	500
210900	090*)	1000	245901	091*)	2500	281087	071*)	5000
210950	039*)	1000	246318	046*)	500	281946	1—100	100
211092	034*)	500	246832	097*)	1000	282174	008*)	1000
211985	092*)	500	247972	1—100	100	282191	049*)	500
212217	018*)	500	247986	009*)	500	282495	088*)	500
212478	023*)	500	248713	023*)	2500	282515	1—100	250
212897	1—100	100	248799	095*)	1000	282738	008*)	500
213035	056*)	1000	248841	1—100	100	282961	097*)	1000
213573	1—100	100	250098	023*)	1000	283038	037*)	1000
214192	054*)	1000	251235	016*)	10000	283057	080*)	1000
214379	023*)	1000	251358	1—100	250	283238	1—100	250
214447	020*)	1000	251631	098*)	1000	283825	053*)	1000
214518	1—100	250	252214	090*)	2500	284234	049*)	5000
215475	1—100	250	253070	092*)	1000	284954	026*)	500
215714	043*)	500	253157	090*)	2500	284991	070*)	500
216239	003*)	1000	253585	1—100	250	285861	1—100	500
216503	049*)	1000	253814	031*)	2500	286167	1—100	100
218168	003*)	1000	254455	046*)	2500	286938	038*)	2500
218463	1—100	250	256310	1—100	250	287028	077*)	1000
218830	1—100	100	256941	029*)	2500	287085	100*)	1000
219296	1—100	100	257199	1—100	100	287735	075*)	1000
220658	1—100	250	257548	1—100	100	288805	050*)	500
220717	1—100	250	257719	027*)	1000	289058	1—100	250
221079	1—100	100	258209	1—100	100	289210	1—100	100
221393	026*)	2500	258358	1—100	100	289482	061*)	500
222136	1—100	100	261166	054*)	500	290265	1—100	100
222757	1—100	100	261450	007*)	1000	291779	051*)	1000
223993	018*)	1000	261942	1—100	250	291835	001*)	500
224864	1—100	250	263143	069*)	500	292524	081*)	1000
225480	1—100	100	263450	014*)	2500	295078	1—100	250
226075	1—100	100	263638	006*)	1000	295469	1—100	250
226254	040*)	1000	263814	1—100	100	295889	031*)	1000
227766	003*)	2500	264458	1—100	250	295911	037*)	5000
228165	028*)	500	265970	1—100	100	297244	1—100	100
228242	052*)	1000	266047	1—100	100	297466	1—100	100
228437	017*)	500	267825	084*)	1000	297469	010*)	1000
228565	097*)	1000	267927	079*)	2500	297517	099*)	1000
228613	021*)	500	267997	1—100	250	297777	025*)	500
229111	1—100	100	268034	1—100	100	298080	090*)	2500
229483	091*)	1000	268895	074*)	1000	298161	067*)	500
230492	055*)	2500	269258	038*)	500	298961	1—100	100
231245	1—100	100	269776	088*)	500	299256	003*)	1000
231632	020*)	500	270779	1—100	100	299264	092*)	1000
231791	1—100	250	270785	1—100	100	299426	037*)	500
231805	024*)	1000	270933	078*)	1000	299644	087*)	1000
232449	1—100	100	270982	026*)	500	299824	069*)	500
232645	053*)	500	271471	041*)	500	299843	1—100	100
234624	079*)	2500	272148	012*)	500			

*) Шу сериядаги облигацияларнинг қолган 99 номерига 100 сўмдан ютуқ чиқди.

Жадвалда 50 сўмлик облигацияларга чиққан ютуқлар кўрсатилган.

100 сўмлик облигацияларга бир хил миқдорда — 100, 250, 500 сўм ютуқ чиққан тақдирда ютуқ чиққан сериядаги облигацияларнинг барча номерларига айнан 200, 500 ,1000 сўм ютуқ тўланади, 100 сўмлик облигация номерларидан бирига 500, 1000, 2500, 5000, 10000 сўм миқдорида ютуқ чиққанда унинг иккинчи номерига 100 сўм чиқади ва облигация бўйича 600, 1100, 2600, 5100, 10100 сўм тўланади, 25 сўм қийматдаги облигацияларга 50 сўмлик облигацияга чиққан ютуқнинг ярми тўланади.

Ютуқ пулига ютуқ чиққан облигациянинг бевосита қиймати ҳам киради.

Мазкур жадвал расмий ҳужжат ҳисобланиб, СССР Жамғармалар банкининг муассасалари ана шу ҳужжат асосида газетанинг навбатдаги сони чиққан кундан бошлаб ютуқларни белгиланган тартибда тўлай бошлайди.

Ютуқлар тиражини ўтказиш комиссияси раиси — халқ депутатлари Севастополь шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари — В. Г. Верходанов.
Тираж комиссиясининг масъул котиби — В. А. Приейкова.

Ойнаи жаҳонда

8 ИЮЛЬ, ЯКШАНБА

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув.

*

10.00 «Довюрак». Бадиий фильм (Одесса киностудияси).
11.35 Мунозара учун мавзу. Қабул имтиҳонлари керакми?
12.05 Мактаб ўқувчилари учун. «Яшил чироқ». Бухоро ва Фарғона командалари учрашадилар.
13.05 «Қўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ». Мусиқий кўрсатув.
13.50 «Кўнгил кўзи билан...» Адабий кўрсатув.
14.20 «Дўстлик» программаси. «Замандас». Қозоғистон ва Ўзбекистон оқинлари ўртасидаги айтишув.

Тижорат кўрсатуви

15.20 «Ҳақиқат эгилди, аммо синмади». Яккабоғ пахта тозалаш заводи ҳақида.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Тантиқой». Мультфильм.
18.10 Болалар учун концерт.
18.55 «Ижтимоий мустақиллик йўлида». Мененжерлар мактаби.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Сиҳат-саломатлик». Тиббиёт соҳасида янгича хўжалик юритиш—бугунги кун ва келажак тақозоси.
20.30 Москва. «Время».
21.00 Ўзбекистон ССР халқ артисти Нуриддин Ҳамроқулов куйлайди.
22.00 «Ахборот».
22.20 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Сўғдиёна» қизлари». Бадиий фильм («Тожикфильм»).
23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● МТ I

7.30 Спорт ҳамма учун.
7.45 Ритмик гимнастика.
8.15 «Спортлото» тиражи.
8.30 «Эрта саҳарлаб». Болалар учун кўрсатув.
9.30 «Ватан хизматида».
10.30 Тонгги дам олиш программаси.
11.00 «Дунё бўйлаб». Альманах.
12.00 «Иш манфаати йўлида». Телевизион ҳужжатли фильм (Киев).
12.20 Киноафиша.
13.20 «Икки заранг дарахт». Мультфильм.
13.55 «Қишлоқ янгиликлари». Панорама.
15.15 «Педагогика ҳамма учун».
16.15 «Здоровье».
17.00 «Марафон-15».

Якшанба кинозали

18.30 «Данило ва Ненила». Мультфильм. «Айдерелик дарвеш». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Ашхобод).
19.00 «Ҳар кимга қилмишига яраша». Телевизион бадиий фильм (Италия).
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 П. И. Чайковский номли IX халқаро конкурснинг якунловчи концерти. Консерваториянинг Катта залидан кўрсатилади.
23.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. Финал. Италиядан олиб кўрсатилади.
02.00 «Абадият ҳақида ўйлар».

Халқаро кооперация куни

6 июль куни Тошкентда Ўзбекистон матлубот кооперацияси ходимларининг Халқаро кооперация кунига бағишланган тантанали йиғилиши бўлди. Йиғилиш қатнашчиларининг нутқларида Ўзбекбирлашув халқаро кооператив ҳаракатга катта ҳисса қўшаётганлиги таъкидланди. Жаҳондаги ўнлаб мамлакатлар билан амалий алоқалар йўлга қўйилган. Булар орасида Афғонистон, Хитой, Япония, Покистон, Греция, Бельгия, Ҳиндистон, ГФР ҳамда маҳсулот етказиб берувчи ва мол харид қилувчи бошқа йирик мамлакатлар бор. Бу алоқаларга қайта қуриш йилларида янги омил бахш этилди. Жумладан Хитой ва Афғонистон билан чегара савдоси ҳажми ортди, ўн беш мамлакат Ўзбекистон кооператорлари билан бевосита шартнома тузди. Ўзаро фойдали ҳамкорлик халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга, уларнинг иқтисодий ривожланишига кўмаклашмоқда.

(ЎзТАГ).

СПОРТ

ДОВОН ОШИШ АРАФАСИДА

Биринчи лига футбол командалари яна икки тур ўйинларидан кейин довон ошиб, ҳал қилувчи давра учрашувларини бошлайдилар. Командалар оралиқ маррага мавқеларини мустаҳкамлаган ҳолда етиб келишга ҳаракат қилишмоқда. «Пахтакор» футболчилари ҳам мухлисларни қувонтиришга ҳаракат қиляптилар. Футболчиларимиз қарийб бир ой давом этган сафар учрашувларини ҳужумкорлик билан ўтказиб, кучлилар даврасида бўлишга эришдилар. «Пахтакор» биринчи давранинг сўнгги сафар учрашувида ҳам ҳужумга зўр берди. Симферополда «Таврия» командаси билан ўйинда кўтаринки руҳда тўп сурилди. 17-минутда Огонесян ҳисобни очган бўлса, 24-минутда Шквирин ғалабани мустаҳкамлаб, ўз ҳисобидаги тўпларни 19 тага етказди.

Лекин меҳмонларнинг андак хотиржамликка берилганидан фойдаланган майдон эгалари ҳисобни тенглаштирдилар, 32-минутда 11 метрлик жарима тўпини дарвозага йўллаган Исаев 38-минутда яна ўзини кўрсатди. Танаффусдан кейин Огонесян командани олдинга олиб чиқди. Зеро, учрашув ҳаками «билиб-билмай» яна 11 метрлик жарима тўпи белгилаб, пахтакорчиларни жазолади. Шевченко тепган тўп билан ҳисоб 3:3 бўлди. Шундай қилиб, пахтакорчилар 22 очко билан тўртинчи ўриндаги мавқеларини мустаҳкамлашди. Энди футболчиларимиз якунловчи ўйинларни ўз майдонида «Кубань» ва Сухуми динамочилари билан ўтказишади.

СОВРИН УЧУН КУРАШ

Бугун Италиянинг Бари шаҳрида жаҳон чемпионатининг бронза медаллари учун Италия ва Англия командалари ўртасида учрашув бўлади. Ўйинни францияллик Жань Кинью бошқарадиган бўлди. Маълумки, Италия футболчилари жаҳон чемпионати ўйинларида учта олтин, биттадан кумуш ва бронза медалларига эга бўлишган. Англия командаси ҳисобида 1 та олтин медаль бор. Шу боис учинчи ўрин учун кураш муросасиз баҳсга айланиши кутилмоқда. Эртага эса чемпионатнинг ҳал қилувчи учрашувида Аргентина ва ГФР командалари майдонга тушадилар.

Муҳаррир ўринбосари
Н. ЕҚУБОВ.

Р.— 02822. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Д. 1220. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12